



## Виртуал олам

Сиз бу оламда қандай  
мақсадлар билан яшаяпсиз?..

Интернет ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётгани сир эмас. Вақти келиб, телефон, телевизор каби усиз турмуш тарзимизни тасаввур эта олмасмиз, балки. Айниқса, истаган мавзудаги виртуал олами билан барчани ўзига жалб этаётган интернетдан уйимизда, офисимизда, (умуман олганда, телефон, смартфон, планшет, нетбук ёки ноутбукингиз бўлса истаган жойда) ҳамда интернет-кафеларда фойдаланамиз. Фавқулудда электрон почтаингизни текшириш ёки зарур маълумотни юбориш керак бўлиб қолди. Бу ҳолда юқорида саналган қурилмалар ёнингизда бўлмаса, сизга интернет-кафелар хизмати зарур бўлади. Газетамизнинг 12-саҳифасида шу мавзуда ҳикоя қилинади.

### Янги Call-марказ

2013 йил 18 феврал куни  
"Ўзбектелеком" АКнинг  
янги Call-маркази  
тақдимоти бўлиб ўтди

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "ТШТТ" филиали Чакирикларга хизмат кўрсатиш маркази (ЧХКМ)даги мавжуд ускуналарини Тошкент шаҳридаги 234-АТСдан 255-АТСга кўчириш ва кенгайтириш бўйича ишларни якунлади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси, "Ўзбектелеком" АК Кузатов кенгаши раиси Хуршид Мирзахидов иштирокчиларни қутлади.

"ТШТТ" филиалининг янги Call-маркази Тошкент шаҳридаги 255-АТС биносининг иккинчи қаватида жойлашган. Бугунги кунда марказда туну кун мобайнида уч сменада 125 нафар оператор хизмат қилмоқда. Бутун Ўзбекистон бўйлаб фаолият юритадиган Call-марказнинг келгусида кенгайтирилиши учун бинонинг яна икки қавати ҳам жиҳозланган. Шундай экан, операторлар сонининг кенгайтирилиши заруратга қўра режага асосан амалга оширилади.



2-бет

#### Алоқа оламида

Лондон университети коллежида мустақил тикланувчи ҳисоблаш тизими ишлаб чиқилди — бу компютер қотиб қолса, бировнинг ёрдамисиз яна ишчан ҳолатга қайта олади. Унга тирик организмларнинг фаолияти таъминли қилиб олинган.



Тизимли компютер (systemic computer) номини олган янги архитектура кўп сонли параллел ишловчи мустақил FPGA-тизимлардан ташкил топган бўлиб, улар бири билан маълумот алмашиб туради.

Мазкур тадқиқот билан Питер Бенгли ва Кристоф Саккелариунинг "Describing The FPGA-based Hardware Architecture Of Systemic Computation (HAoS)" мақола-си орқали батафсил танишиш мумкин.

#### Ушбу сонда:

■ Бошқарув жараёнларини автоматлаштириш

3

■ Panda: Ҳар учинчи компютер зарарланган

4

■ На портале Ziyonet открыт раздел игр

6

■ XX аср бошларидаги радиоўйинлар

11

Теледастурлар, спорт, сканворд



## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 феврал куни Оксаройда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё бўйича қуйи кўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хитнисдан иборат делегацияни қабул қилди. Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узоқ муддатли Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришда бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, илгор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Пойтахтимиздаги Ешлар ижод сапройида "Таълим ва мавқега эришиш" мавзусидаги саккизинчи халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ЕИХ, "Келажак овози" ЕТМ, Ешларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва "SSP-Exprocontact" МЧЖ томонидан ташкил этилди. Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртлири тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳеат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбирда ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рабатлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Қашқадарё вилояти мудофеа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида муддатли харбий хизматга чақирилувчиларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Вилоят хокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЕИХнинг вилоят бўлиmlари вакиллари ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Куролли Кучларимиз сафига ҳар томонлама соғлом, билими, дунёқараши кенг йиғитлар танлаб олинган ва уларнинг хизматини сифатли ўташи учун барча имкониятлар яратилгани армиямизнинг жанговар салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.


Урганч тиббиёт коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Мустаҳкам онла — обод турмушгарови" мавзусида семинар ўтказилди. "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган коллеж ўқувчилари қўллаб-қувватланди.

Анджон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда "Саломатлик ҳафталиги" тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти худудий бўлиmlари шифокорларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Call-марказ ходимлари ишлаши учун барча шароитлар — қулай компьютерлаштирилган иш ўрни, кийим алмаштириш хонаси ва ошхона, дам олиш хоналари ташкил этилган. Хоналар ёруғ ва шинам.

— Тошкент шаҳрида биринчи телефон маълумотномалар хизмати деярли 75 йил илгари ташкил этилган, — дейди "ТШПТ" филиали тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари Ахрор Мухитдинов. — Ўша вақтларда у оддийгина "09 хизмати" деб аталган. 09 хизматида операторлар иши қўл меҳнати тамойилига асосан ташкил этилганди. Операторнинг маълумотларни излаш иши қозғоқ картотекалар бўйи-



## Янги Call-марказ

2013 йил 18 феврал куни "Ўзбектелеком" АКнинг янги Call-маркази тақдимоти бўлиб ўтди

ча амалга оширилди. 2003 йилдан бошлаб операторлар иш ўрнини автоматлаштиришга киришилди. "ТШПТ" филиалининг Ахборот-ҳисоблаш маркази мутахассислари томонидан филиалда "ТШПТ" "Ўзбектелеком" АК "АХМ" масалалари комплекси-таъминот дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурий комплекснинг ўрнатилиши операторлар иш жойида қозғоқ картотекалардан фойдаланишдан воз кечиш ва зарур ахборотларни излашни автоматик тартибда амалга ошириш имконини берди.

2009 йил апрел ойида "Протей" компанияси базаси ускунаси асосида "09" маълумотлар хизмати модернизациялаштирилиб, барча халқаро талабларга жавоб берувчи замонавий "Call-марказ"га айлантирилди.

Филиал Ахборот-ҳисоблаш маркази базасида Call-марказ интеллектуал платформасининг жорий этилиши маълумот-ахборотлар хизмати турлари доирасини кенгайтириш ҳамда замонавий интеллектуал хизматларни жорий этиш имконини берди.

Янги ЧХКМни ташкил этиш лойиҳасининг кейинги босқичини амалга ошириш ишлари республиканинг бар-

ча худудлари бўйлаб "Ўзбектелеком" АК абонентларини мазкур хизмат турларига бўлган талабларини қондиришдан иборат. "Ўзбектелеком" АК томонидан ЧХКМни жорий этиш учун унга мувофиқ қўшимча сервер ускуналарини, компания вилоят филиалларида VoIP шлюзлари ҳамда коммутаторларни ўрнатишни талаб этади. Шунингдек, "Ўзбектелеком" АКнинг хар бир вилоят филиаллари бўйича операторлар сонини ўн нафарга кенгайтирилиши режалаштирилган. Компаниянинг "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиалида етказиб берилган техник ускуналарнинг пухта ўрганилиши ва келгусида хизматда фойдаланиш учун филиаллар мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш кўзда тутилган.

**Янги ЧХКМни жорий этиш қуйидагиларни таъминлайди:**

- бир вақтда ишлайдиган, кириш ва чиқиш телефон қўнғироқларини амалга оширувчи 350тагача операторларни улаш;

- тизимда бир вақтда амалга оширувчи 100та қўнғироқни қўллаб-қувватлаш;

- қунига 150 000 қўнғироқ юкласи билан иш юритиш, КЮЧ соатига 30 000та қўнғироқ;

- амалий харажат ва капитал маблағларни минималлаштириш;

- қатта сонли қўнғироқларни амалга ошириш имконининг ошириш йўли билан даромадни ўстириш, янги хизматларни жорий этиш ва аутсорсинг хизматини кўрсатиш.

Келгусида тақдим этиладиган ечимлар яратилаётган платформа базасида 112 (фавқуллода вазиятларда ягона диспетчерлик хизмати) ташкил этилиши билан интеллектгуал овозли ва мултимедияли хизматлар кўрсатилиши имконига эга.

— Мазкур лойиҳани амалга ошириш мамлакатда телекоммуникацияларни ривожлантириш ва миллий ахборот инфраструктурасининг глобал ахборот тизимига интеграциясининг навбатдаги босқичи бўлади — дея таъкидлади Ахрор Мухитдинов.

Тақдимотдан сўнг минтақавий ва ихтисослашган филиаллар, шунингдек, "Ўзбектелеком" АК таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари Call-марказ иши билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

## Мактабларга электрон доскалар

Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида интерактив доскалар ва электрон дарсликлар жорий этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган Мултимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш марказида умумтаълим порталлари ва таълим ресурслари учун видеолавҳалар ҳамда мултимедияли материалларни монтаж қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган мултимедия студияси фаолият кўрсатмоқда.**

Бу студияга мукамал материаллар ва видео дарсликларни тайёрлаш учун пойтахтимиз умумтаълим мактабларида фаолият юритиб келаятган малакали ўқитувчилар жалб этилган. Марказ энг замонавий графика ва видео-тахрир имкониятларига эга компьютер ускуналари билан таъминланган. Барча тайёр материаллар марказнинг антивирус дастурлари билан химояланган веб-серверларида сақланади. Ҳозирда бу ерда MOODLE масофадан ўқитиш тизимини яратиш бўйича амалиётлар

олиб борилмоқда.

Масофадан ўқитиш лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири таълим жараёнининг барча иштирокчилари учун таълим ресурсларидан фойдаланишда бепул ва қулай имкониятлар яратиш беришдан иборат. Марказ томонидан ўтказилаётган ўқув машғулотларида қатнашган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари муаллифлик электрон ресурсларини яратиш, мавзуга доир маълумот тўплаш, сценарий тузиш, макет ишлаб чиқиш каби амалиётларни мустаҳкамлаб олишмоқда.

Айни дамда Мултимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун электрон ресурслар ва мултимедияли дарсликлар ишлаб чиқиш бўйича кенг камровли фаолият олиб борилмоқда.

**Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини қўлламайдиган корхоналар деярли қолмади ва улардан аксариятининг ҳозирги вақтдаги муаммоси у ёки бу жараёнларни автоматлаштирилмаганлигида эмас, балки узоқ муддатли режаларсиз амалга оширилган, кўр-кўрона автоматлаштириш оқибатидир.**

Хисоблаш техникаси ва дастурий таъминотни режасиз харид қилиш, майда компанияларда янгилашмайдиган бизнес таклифларга буюртма берилиши ва уларнинг жорий этилиши, турли бўлимларга жорий этилган бир вазифани ҳал этиш учун турли таклифларнинг мавжудлиги, ҳар хил сегментланган тармоқларни маъмурийлаштириш ва химоялаш муаммолари — буларнинг барчаси турли компаниялар ахборот-коммуникация технологиялари бўлимлари раҳбарлари дуч келадиган муаммолар жумласига кирди.

АКТнинг ривожланиши рақамли ва матнли ахборотга ишлов беришнинг барча техник воситаларини фирма ичидаги ягона ахборот тизимига бирлаштириш имконини берди. Бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш техникаси ва матнли ахборотларга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш воситаларидан фойдаланишга асосланган ахборот тизими энг самарали ҳисобланмоқда.

Корхона фаолияти мобайнида кўп ҳажмдаги ахборотларни тўғилди, уларни тезда қидириб топиш эса ушбу ахборот самарали жойлаштирилган ва сақланган тақдирда мумкин бўлади. Маълумотлар базаси фирманинг ишлаб чиқариш-сотиб бўлимларининг хўжалик фаолиятини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар мажмуини, шунингдек, фирма ривожланишининг ҳолати ва тенденцияларига таъсир кўрсатувчи барча омилларга нисбатан материалларни ўз ичига олади. Маълумотлар базаси

# Бошқарув жараёнларини автоматлаштириш

Усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш муаммолари

учун статистик кўрсаткичлар тўплами пухта ишлаб чиқилади ва фирманинг фаолият кўрсатиши натижалари ва истикболларини чуқур иқтисодий таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни қамраб олади. Одатда маълумотлар базасини шакллантиришда маълумотларни сақлаш ва янгилаш тизими тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилади.

Корхона ишлашининг самарадорлиги корхонада ҳужжатлар айланиши қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Корхонани бошқариш сифатига ҳужжатларни шакллантириш, ахборотларни қабул қилиш-узатишнинг тезкорлиги ва сифати, маълумот-ахборот хизмати шаклланиши уйғунлашганлиги, ҳужжатларни сақлаш, қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг аниқ ташкил этилиши каби омиллар таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, ҳужжатлар айланишини автоматлаштириш кўйидагилар учун зарур: корхонада содир бўлаётган яхлит манғарани шакллантириш; барча бўлимларнинг уйғунлиги билан ишлаш; миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш; инсон, коммуникация, инвестиция ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Ахборот тизимининг оқилона бўлиши, яъни маълумотларни йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун кам харажат талаб қилиши лозим. Бир томондан, ҳар қандай иқтисодий ҳодисани ёки жараённи ялпи таҳлил қилиш учун ҳар томонлама ахборот талаб этилади. Агар у мавжуд бўлмаса, таҳлил тўғлиқ бўлмайди. Иккинчи томондан, ахборотларнинг ортқича тўлланиши уни қидириш, йиғиш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини узайтиради. Ушбу талабдан ахборотларнинг фойдалигини ўрганиб чиқиш ва шу асосда ортқича маълумотларни йўқотиш ва керакли-



рини киритиш йўли билан ахборот оқимларини такомиллаштириш зарурати келиб чиқади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш муаммоларини ҳал этишнинг учта асосий варианты мавжуд:

Биринчи йўл — тизимни ўз саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқиш. Аксарият ташкилотлар шу йўлни туттишган. Ҳисоб-китобларни автоматлаштириш учун кўпинча офис дастурлари воситалари билан ёзилган тамойиллар қўлланилади. Бирок, бизнес мураккаблашган тақдирда, бундай воситалар кишини қаноатлантирмай қўяди, чунки мураккаб таркибли маълумотларни бошқаришни назарда тутмайди. Тўлақонли тизимни яратиш нафақат катта миқдордаги маблағлар ва вақтни сарфлашни талаб қилади, шунингдек, лойиҳанинг ривожланишини марказлашган тарзда оқилона стратегик бошқариш ҳам зарур. Буни эса фақат йирик ташкилот уқдлай олади. Ривожланаётган фирмалар учун унга узоқ вақт мобайнида хизмат кўрсата оладиган тизимни ўз кучи билан ишлаб чиқиш осон эмас.

Иккинчи йўл — универсал тизимни ёки амалий дастурлар пакетини харид қилиш. Бундай ҳилдаги тизимларни танилаш, асосан, бухгалтерия дастурлари билан чекланади, чунки бухгалтерия

ҳисоби қатъий ва консерватив методологияга эга. Қонун ҳужжатлари, ҳисобот ҳужжатлари шаклланининг тез-тез ўзгариб туришига қарамай тамойиллар ва маълумотлар таркиби деярли ўзгармасдан қолмоқда.

Учинчи йўл — ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш функциялари ва ваколатларини ташқи ташкилотларга ўтказишдан иборат. Агар ижро этувчи фирма тўғри танланса, катта ус-тунликларга эришилади: асосий қисми бошқа фирмаларда муваффақиятли жорий этилган қарорларни қўллаш ҳисобидан маблағларни тежаш; ижро маҳорати; сервисли қўллаб-қувватлаш; бизнеснинг мураккаблашувига мос равишда тизимни ривожлантириш имконияти.

Шу муносабат билан амалий фаолиятда ахборотларга ишлов беришнинг замонавий, истиқболли усуллари ва воситаларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш масаласи долзарбдир. АКТ таъсири остида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

**И.РУСТАМОВ,**  
**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг етакчи муҳандиси**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

### Матбуот тарқатувчилар учун компютер сабоқлари

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Бухоро вилояти корхона, ташкилот ва муассасаларида тегишли ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Жумладан, вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасининг шахар ва туманлардаги филиаллари бошқилари иштирокида Бухородаги "Еш дастурчи" МЧЖда дастлабки ўқув машғулотлари бошланди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган йиғилишда шўъба корхонаси директори Абдуҳаким Хазратқулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошқари Жамшид Худоёровлар сўзга чиқиб, ахборот технологияларининг кундалик турмушимиз ва ижтимоий фаолиятимиздаги ўрни, компютер техникаси ва АКТдан кундалик

иш фаолиятида фойдаланишнинг афзалликлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Бухоро маданият касб-ҳунар коллежи информатика фани етакчи ўқитувчиси Муҳаббат Тоирова томонидан ўтказилган дастлабки машғулот давомида тингловчилар "Шахсий компютерлар ва уларнинг ишлаш принциплари. Амалий тизим ва унда ишлаш асослари" йўналиши бўйича аниқ маълумотларга эга бўлишди.

Кейинги машғулотларда эса матнлар, электрон жадваллар, тақдимотлар ва интернет билан ишлаш асослари хусусида ҳам батафсил сўз юритилиб, шу тарика тингловчиларда илҳ қўникмалар ҳосил бўлди.

"Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ходимлари иштирокида компютер саводхонлиги бўйича ташкил этилган дастлабки машғулотлар ўн кунга мўлжалланган бўлиб, уларда 18дан ортқич соҳа ходимлари ўз билим ва маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Машғулотлар сўнгига тингловчиларга тегишли сертификатлар тошширилади.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
**"Xabar"нинг**  
**Бухоро вилоятидаги муҳбири**

### "Маҳрами асрор топмадим"

2013 йил 14 феврал куни Навоий Давлат қончилик институти ҳузуридаги 2-академик лицейда А.Қодирий номидаги вилоят АКМ билан ҳамкорликда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вақили, буюк шоир, тарихчи, давлат арбоби, истеъдодли саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб "Маҳрами асрор топмадим" мавзuida адабий-мусикий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши ўқувчилари томонидан маҳорат билан ижро этилган сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Ўқувчилар шоирнинг Ватан соғинчи ва юртни тараннум этувчи дилтортар ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиди. Тадбирда АКМ услубият бўлими мудираси Ж.Бобомуродова сўзга чиқиб, Бобурмирзонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхталди.

Кечада Маданият ва санъат коллежи қошидаги "Наво" ансамбли хонанда ва созандалари ўзларининг Бобур ғазаларига басталаган куй-қўшиқларини жонли ижро этишди. Шунингдек, тадбирда йиғилганлар эътиборига АКМ умумий ўқув зали томонидан Бобур асарлари жамланган китоб кўргазмаси тақдим этилди.

**М.АЛМАТОВА,**  
**АКМ умумий ўқув сектори мудираси**

## Xalqaro haqot

БМТ янги ҳисоб-китобларига кўра, Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар туфайли нобуд бўлаётган оддий одамлар сони сўнгги олти йил давомида илк бор камайгани кузатишган. Ташкилотнинг Афғонистондаги Кўмак миссияси 2012 йили 2754 нафар тинч фуқаро нобуд бўлгани ва 4805 киши тан жароҳати олганига оид рақамларни тақдим этган. Маазкур рақамлар ҳаётдан кўз юмганлар сони 12 фоизга камайганини аниқлатади. Бунга ердан ва ҳаводан уюштирилаётган ҳарбий амалиётлар, шу билан бирга, худкушлик ҳужумлари камайгани сабабдир, дейилмоқда ҳисоботда.

Ўтган олти йилдан орტიқроқ вақт ичида Афғонистонда 14728 инсон уруш қурбони бўлган.

**ВЕНЕСУЭЛА** Президенти Уго Чавес тўртинчи жарроҳлик амалиётидан сўнг Кубадан ватанига қайтиб келган. "Венесуэлага қайтишман! Худога шукур! Раҳмат сизга, кадрдонлар! Ватанимда даволашни давом эттирмаман", — деб ёзган ўз микроблогига.

Чавес ўтган йилнинг декабр ойидан бери онкологик касаллик билан боғлиқ операциядан сўнг Кубада эди. Баъзи маълумотларга кўра, Уго Чавес бел қисмига яқин жойда жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган.

**АРМАНИСТОН**нинг амалдаги президенти Серж Саргсян мамлакатда президентликка ўтказилган сайловда 58,64 фоиз овоз билан яқин келди. "РИА Новости" хабар беришича, барча 1988 сайлов участкасидан олинган овозлар ҳисоб-китобига кўра шундай қарорга келинган. Иккинчи ўрин 36,75 фоиз овоз олган Арманистон ташқи ишлар вазири Раффи Ованнисян ҳамда учинчи ўрин катта фарқ (2,15 фоиз овоз) билан собиқ бош вазир Грант Багратянга насиб этган.

Маълумотларга қараганда, Саргсян учун 861,167 миң сайловчи овоз берган.

**ИТАЛИЯ**нинг собиқ бош вазири Силвио Берлускони яна амалига қайтмоқчи. У сайловолди ҳафтасини Миланда, Ломбардия ҳудудига бошлади. Берлусконининг рақиб Пьерлуиджи Берсани эса мамлакатнинг бошқа қисми — Козенца, Калабрияда стартага чиқмоқда.

**ШВЕЙЦАРИЯ**нинг "Nestle" компанияси Италия ва Испания дўқонларидан маҳсулотларининг бир қисmini қайтариб олишга мажбур бўлди. Бунга сабаб шунки, ДНК тести айрим маҳсулотларда от гўшти излари борлигини кўрсатди.

Шу тарихқа дунёдаги энг йирик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компания ҳам Евронтиффок мамлакатларида маҳсулотлардан норозилик туфайли қучайиб бораётган можарога дахлдор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Брюсселда ўтган фавкулудда учрашувда ЕИ давлатлари экспертлари иттифоқнинг ҳамма давлатларида гўшт маҳсулотларида от гўшти бор ёки йўқлигини аниқлаш учун таҳлила ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

**РОССИЯ**да 8,5 миллион киши гиёҳванд модда истеъмол қилиши маълум бўлди. Бу ҳақда давлат гиёҳванд моддалар назорати бошқармаси бошлиғи Виктор Иванов суд раислари мажлисида хабар берган.

Унинг айтишича, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айлиниши билан боғлиқ ўн миңлаб айблов ҳукмларига қарамай, мамлакатда гиёҳвандлар сони ортиб бормоқда.

Гиёҳвандлар орасида жиноятчилик даражаси ҳам юқори — кўчада содир этилаётган жиноятларнинг 80 фоизи айнан таққиланган моддаларни истеъмол қиладиганлар томонидан содир этилади.

# Panda: ҲАР УЧИНЧИ КОМПЮТЕР ЗАРАРЛАНГАН

PandaLabs антивирус компанияси IT-хавфсизлик йўналишида ўтган йили содир бўлган воқеа ва ҳодисаларга бағишланган навбатдаги ҳисоботини тақдим этди. Энг асосий маълумот шунки, жаҳонда ишлатилаётган ҳар учинчи, аниқроғи, 31,98 фоиз компьютерга зарарли дастур (ЗД) ўрнашиб олган.

Компания маълумотлар баъзи ҳисоблаб кўрилса, уларнинг камида 27 млн.таси 2012 йилда яратилган. 2012 йилги зарарли дастурларнинг тўртдан уч қисмини троянлар ташкил этган.

Бу рақамлар кибержиноятчиларнинг янги тоифа зарарли кодлар яратиш жараёнини автоматлаштириб олганини, бир суткада

74 миңтагача янги таҳдидлар туғилаётганини аниқлатади.

2012 йили троянлар ЗД орасида ҳар қачонгидан-да кўпроқ салмоққа эга бўлди. Уларнинг бунчалик оммалашиши сабабларидан бири сифатида фойдаланувчининг иштирокисиз компьютерни автоматик равишда зарарловчи Black Hole сингари эксплойтларнинг тарқалиб бораётганини кўрсатиш мумкин. Компютерларни забот этиш бобида вируслар иккинчи ўринда бўлса, "чувалчанг"лар учинчи поғонага пастлаган.

Ҳисоботда 2013 йил тенденцияларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, 2013 йилда ҳам ижтимоий тармоқларга киберхужумлар худди ўтган йилгидек долзарблигича қолади. Айниқса, тармоқларни химоялашда амалий тизимлар ва иловалардаги "дарзлар"дан огоҳ бўлиш талаб этилади. Android амалий тизимга уюштирилаётган ҳужумлар сони ўсишда давом этади.



## ҚАЕРДА? ҚАНДАЙ?

(компютерларнинг зарарланиш кўрсаткичи)

### Салбий

1. Хитой — 54,89 %
2. Жан. Корея — 54,15 %
3. Тайван — 42,14 %

### Ижобий

1. Швеция — 20,25 %
2. Швейцария — 20,35 %
3. Норвегия — 21,03 %

## АТ-хабарлар

### ТЕЛЕФОНЛАРГА ТАЛАБ КАМАЙМОҚДА

Gartner тадқиқотлари 2012 йили 2011 йилдагига нисбатан жаҳон бозорларида мобил телефонлар сотиш 1,7 фоизга пасайганини кўрсатди:

Вендор	2012 йил		2011 йил	
	Сотилган маҳсулот, млн. дона	Бозор улуши (%)	Сотилган маҳсулот, млн. дона	Бозор улуши (%)
Samsung	384,6	22,0	315,0	17,7
Nokia	333,9	19,1	422,4	23,8
Apple	130,1	7,5	89,2	5,0
ZTE	67,3	3,9	56,8	3,2
LG	58,0	3,3	86,3	4,9
Huawei	47,2	2,7	40,6	2,3
TCL	37,1	2,1	34,0	1,9
RIM	34,2	2,0	51,5	2,9
Motorola	33,9	1,9	40,2	2,3
HTC	32,1	1,8	43,2	2,4
Бошқалар	587,3	33,6	595,8	33,6
<b>ЖАМИ</b>	<b>1746,1</b>	<b>100,0</b>	<b>1775,7</b>	<b>100,0</b>

### SKYPE — ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОНИЯ ЕТАКЧИСИ


Телеком-маркетинг билан шуғулланувчи TeleGeography компаниясининг аниқлашича, халқаро телефония трафиғининг учдан бир қисмини Skype улуши ташкил этади. Умуман олганда, 2012 йили халқаро телефон сўзлашувларининг жами ҳажми 490 млрд. дақиқани ташкил этган, бу 2011 йилдагидан 5 фоиз кўпдир.

Худди шу даврда Skype-трафиғи 44 фоизга ўсиб, 167 млрд. дақиқага етган. Солиштириш учун: жаҳон телеком операторлари 2012 йилда телефон трафиғини 51 млрд. дақиқага ошира олишган.

### Micron "КИЧРАЙМОҚДА"

Micron компанияси сифими 128Гбга тенг энг кичик флеш-хотира ишлаб чиқди.

Янги ишланма битта хотира ҳужрасида уч битлик ахборот сақлайди (triple-level-cell, TLC). Ўлчами 146 нм'ни ташкил этувчи бу чип аввалги 20 нм.лик худди шундай чипдан 25 фоизга кичикдир.



### Outlook.com: Фойдаланувчилар сони 60 миллион

Microsoft қараши Outlook почта сервисини мижозлари сони 60 млн.га етиши учун ярим йил кифоя қилди.

Биринчи миллионивчи фойдаланувчига Outlook.com ишга туширилганидан сўнг орадан олти соат (!) ўтиб эга бўлган. Икки ҳафтадан сўнг 10 млн., тўрт ойдан сўнг 25 млн. киши маазкур почта хизматидан мунтазам фойдаланишга ўтди.

Бунчалик юқори ўсишга Microsoftнинг кенг қўламли реклама кампанияси уюштириб, Hotmailдан Outlook.comга ўтиши сабаб бўлди. Эндиги юқори ўсиш сервисининг Skype мессенжери билан интеграциялашувини натижасида бўлиши кутилган.

### PHOTOSHOP 1.0.1 МУЗЕЙ ЭКСПОНАТИГА АЙЛАНДИ

Маунтин-Вью (Калифорния) шт.даги Компютер тарихи музейи ташриф буюрувчиларига ўзинга хос софга хозирлади: бу Adobe Photoshop 1.0.1 дастурий таъминотининг тўлиқ чиқувчи кодидир. Таъкидлаш керакки, ҳозирги Photoshopлар тайёр файлларга, асосан рақамли фотосуратларга ишлов берса, 90-йилларнинг бошларида тақдим этилган биринчи тижорий шакли кўпроқ расм чизиғига мўлжалланган эди, негаки, у пайтларда рақамли фото тушунчасининг ўзи бўлмаган. Дарвоқе, биринчи Photoshop фақатгина Mac амалий тизимида ишлаб олган, 75 фоизи Паскалда, 15 фоизи қуйи даражали кодларда ёзилган бўлиб, қолган қисми бинар кўринишдаги маълумотлардан иборат бўлган.

# Дастурий воситалар

Талабалар фаоллигини оширишда уларнинг ўрни жуда катта

**Мамлакатимизда қабул қилинган ва амалга оширилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади таълим тизимини такомиллаштириш ва жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда қилиниши лозим бўлган асосий йўналишлардан бири талабаларнинг фаоллигини оширишга қаратилган таълим тарбия ишларини амалга оширишдан иборат.**



Талабаларнинг билимини оширишда ўқув воситаларининг ўрни жуда катта. Шунинг учун ҳам ўқитишнинг асосий воситалари, яъни дастур ва дарсликларни яратишда муаллиф талабаларнинг қизиқишлари ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиши зарур, акс ҳолда талабаларнинг фанга қизиқишлари сўниб, уларнинг билиш фаоллиги пасайиб боради. Дарс жараёнида АКТ воситаларидан унумли фойда-

ланиш орқали талабалар фаоллигига эришиш мумкин.

Таълим жараёнига компьютер технологияларининг кириб келиши талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттирмақда. Компютер ва унинг бир қатор дастурлари талаба-

билан бирга, ўқитувчининг гуруҳ билан мулоқот жараёнида асосий билимларни узатиш эмас, аксинча, лаборатория ишлари ҳамда амалий машғулотлар натижаларини электрон ҳолда қайд этиб бориш, мустақил ишлаш ва тадқиқот ишларини олиб боришга ўрганиш фаолиятини такомиллаштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда талабалар дарс жараёнида ўқитувчи томонидан бериб борилаётган кўрсатма ва тушунчаларни электрон тарзда қайд этиб боришга ўрганмоқда. Бунда қайд қилиш дастурларининг аҳамияти катта. Улар ҳар қанақанги қайдни ўзида сақлаш ҳамда керакли вақтда ўзгартириш имкониятини беради ва талабаларни амалий машғулотлар ва лаборатория ишларида натижаларни ёзиб боришда, компютерга киритишда қулайлик яратади.

Қайд қилиш дастурларининг асосий вазифаси қилиниши керак бўлган вазибаларни электрон ҳолда сақлаб қолишдир. Қуйида шундай қайд қилиш учун мўлжалланган дастурларнинг айримлари билан танишиб, уларни таҳлил қиламиз.

**EVERNOTE** — бу дастурни умуман олганда турли платформалар ишлатади (Web, Mac, iOS, Windows, Android, WebOS ва бошқалар).

Уларнинг ҳар бири дастурнинг тўлақонли ишлашини таъминлайди. Бу дастур орқали сиз файлларингизни алоҳида жамлашингиз, уларни қайтадан кўриб чиқишингиз ва ҳар хил шаклга келтиришингиз, ҳаттоки веб-браузер орқали очилишингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз ўз файлларингизни бошқалар билан алмаша оласиз. iOS ва Android платформаларида дастур тўлақонли ишлайди ва расм форматидан файллар ичидаги матнни ҳам топиши ва уни қайтадан жамғариб олиши мумкин. Бу дастурнинг яна бир қулайлиги шундаки, у нафақат сиздаги файллар, балки веб-сайтлардаги сервислар билан ҳам бемалол ишлайди.



**SPRINGPAD** — бу яна битта жуда қизиқарли дастур ҳисобланиб, у учун белгиланган барча функцияларни бажара олади. Унинг лицензияси бепул бўлиб, бемалол интернет орқали юклаб олишингиз мумкин. У сизнинг мобил аппаратингиздаги Android ёки iOS платформаларингизга бемалол тўғри келади.

Юқорида кўрсатилган Evernote дастурининг барча функцияларини бажаради. Унинг Evernote дастуридан афзаллиги шундаки, у ўз саҳифалари ичига мультимедиа файлларини қабул қила олади. Бундан ташқари, бу дастур орқали кун тартибингизни ва ойлик, йиллик ишларни режалаштиришни амалга оширсангиз бўлади.




**LIVESCRIBE SMART PEN**

— булар электрон ручкалар бўлиб, эшитган, кўрган нарсаларингизни ёзиш учун фойдаланилади. У орқали сиз компютерингизга маълумотлар киритишингиз ва ушбу қурилма орқали уларни




почтангизга жойлаштиришингиз ва интернет орқали тарқатишингиз мумкин. Дастурда аудио ёзиб олиш функцияси ҳам белгиланган. Талабаларга бу каби имкониятнинг берилиши дарс мобайнида маърузаларни тўғридан-тўғри компютерга киритилишига имкон яратади. Яъни, қайд қилувчи дастурлар билан биргаликда ушбу электрон ручка уйғунлик ҳосил қилиб ҳозирги ручка ва дафтар ўрнини тўла қоплайди.

**ONENOTE** — MS OneNote дастури лицензияси пуллик бўлиб, ҳар бир MS Office версияси ичида келади. У жуда қулай дастур, ҳар қайси планшет ва компютер платформасига тўғри келади. Уни бемалол қулайлигича ишлатишингиз ва ўз файлларингизни сақлашингиз ҳамда таҳрирлашингиз мумкин.



**TAPNOTE** дастури оддийгина дизайнга эга бўлган ҳолда HP TouchPadлар учун белгиланган, уни DropBox дастури билан бирга ишлатишингиз мумкин. Бу дастурнинг афзаллиги шундаки, сиз унинг тўлиқ версиясини сотиб олишдан олдин, берилган синов муддати ичида ишлатиб кўришингиз, ҳамма функциялари билан танишиб чиқишингиз мумкин.



**WORD PROCESSING SOFTWARE** —

агар сиз янги дастурлардан фойдаланишни эмас, балки ўзингиз учун қулай дастурларни танлайдиган бўлсангиз, сизга MS Wordни, Google Docs, Open Office ва бошқаларни тавсия эта- миз. MS Word ва Open Office орқали сиз ўз фай- лингизга эга бўлмай, уни таҳрирлашингиз мумкин эмас. Лекин DropBox, SugarSync ва GoogleDocs дастурларига эга бўлсангиз, сиз улар орқали тармоқ ичида бўлганингизда файлга киришингиз ва уни хоҳлаганингизча таҳрирлаш имкониятига эга бўласиз. Яна бир жиҳатини олсак, MS Word пуллик дастур бўлса, Open Office бепул дастур ҳисобланади. Бу дастур ҳам юқоридагилар каби файллардаги маълумотлар билан ишлашда жуда қулайдир.



Юқоридаги махсус дастурлардан фойдаланишдан ташқари, ҳар бир мобил телефон ва планшет аппаратларининг ўзидаги қайд қилиш дастурларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Улар содда дизайнга эга ва ҳар доим сизнинг усқунангиз ичида сақланади. Аммо, уларда қўшимча функциялар берилмаган ва қисман қолоқ дастур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юқорида номлари саналган дастурлардан фойдаланиш самаралироқдир. Умуман олганда, бу каби дастурлар жуда кўп, уларни ҳар томонлама ўрганиб чиқишингиз мумкин, аммо энг асосийси, ўзингизга энг қулай ва мос дастурни танлашингиз сиз учун асосий мезондир. Ҳозирги кунда эса бундай дастурий қўлланмаларни дарс жараёнларида, айниқса, лаборатория ишлари ҳамда амалий машғулотларда қўллаш орқали дарс жараёнининг фаоллашуви ҳамда талабалар билим олишининг самарасига эришиш мумкин.

Сунбула АХМЕДОВА,

Тошкент ахборот технологиялари университети 3-босқич талабаси

### Тренинг для руководителей филиалов и предприятий АК "Узбектелеком"

С 14 по 19 февраля 2013 года филиалом "Центр развития телекоммуникаций и персонала" АК "Узбектелеком" проводился ежегодный тренинг для руководителей филиалов и предприятий акционерной компании "Узбектелеком" на тему: "Эффективный менеджмент, техническая и кадровая политика — залог успеха компании".

В течение 5 дней руководителям филиалов и предприятий входящих в структуру компании представлены более 20 докладов и презентаций по вопросам менеджмента, технической и кадровой политики компании, системе менеджмента качества, а также презентации компаний-поставщиков телекоммуникационного оборудования используемого на сетях телекоммуникаций Узбекистана.

По окончании тренинга всем участникам, успешно прошедшим обучение, вручены сертификаты.

### Заработал новый сервис "Коммунальные тарифы — на СМС"

Центр UZINFOCOM запустил новый сервис. Теперь текущие тарифы на коммунальные услуги по Узбекистану можно не только узнать на сайте [www.ek.uz](http://www.ek.uz), а также бесплатно получить по СМС. Достаточно отправить ключ "ек" (без кавычек, без пробелов, в любом регистре, в латинице или кириллице) на единый номер СМС-шлюза SMSG.uz +998(94)6556464.

В ответ придет СМС-сообщение с перечнем действующих тарифов на все виды коммунальных услуг.

### "Central Asia-2013"

С 22 по 26 апреля 2013 г. в Ташкенте состоится 7-я Международная конференция "Информационно-библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре и бизнесе" "Central Asia-2013". Основным организатором конференции является Национальная библиотека Узбекистана.

Цель конференции — активизация деятельности информационно-библиотечных учреждений, учебных заведений, архивов, музеев и других организаций для действенного и результативного сотрудничества в деле развития и применения электронных информационных ресурсов в науке, образовании, культуре и бизнесе.

Рабочие языки конференции: узбекский, русский, английский.

# Исследование разработки системы электронного документооборота в архивах

**Организация работы с документами является важной частью процессов управления, существенно влияющей на оперативность и качество управления.**

Уже никто не сомневается, что в современных организациях важность информационных ресурсов и, соответственно, документов (текстов, электронных таблиц, факсов, электронной почты и т.д.) возрастает. Устойчивая тенденция значительного роста объемов информации, необходимой для принятия управленческих решений, приводит к тому, что приходится получать, обрабатывать и хранить документы в гораздо большем количестве, чем раньше. Известно, например, что документация на современный самолет "Боинг" весит больше, чем сам "Боинг". Традиционные методы работы с документами становятся в этих условиях малоэффективными.

Исследования, проведенные компанией Delphi Consulting, дали следующие оценки:

- ◆ 15% бумажных документов безвозвратно теряется;
- ◆ до 30% рабочего времени тратится на поиск документации;
- ◆ убытки от потери документов в США составляют около 1 трлн. долларов в год.

Многолетние усилия, направленные на решение задачи быстрого поиска нужного документа привели к появлению в начале 80-х гг. концепции электронного документа. Появление графических пользовательских интерфейсов и технологии обработки изображений в конце 80-х гг. ускорило распространение и развитие данной концепции, особенно в части перевода информации с бумажных носителей в электронную форму. К настоящему времени концепция электронного документа получила свое развитие в идее управления документами, которая стала общепризнанной. По информации Delphi Consulting Group объем электронной текстовой информации в офисах удваивается каждые три года.

Однако, осознав важность совершенствования управления, многие организации пытаются его автоматизировать, идя по пути автоматизации отдельных рабочих мест: руководителя, секретаря-референта, менеджера, бухгалтера.

Основными недостатками такого подхода являются:

### Основными недостатками такого подхода являются:

- отсутствие способов организации электронного информационного обмена между сотрудниками и подразделениями предприятий;
- отсутствие функциональной связи автоматизации прикладных процессов с автоматизацией делопроизводственных.

Поэтому одной из важнейших проблем информационного взаимодействия в организационных автоматизированных системах управления является построение **единого ("сквозного", интегрированного) многоуровневого электронного документооборота**, обеспечивающего автоматизацию технологических процессов работы с документами в гетерогенных информационно-вычислительных и коммуникационных средах. Современная интегрированная система электронного документооборота обладает "синегитическим эффектом", при котором эффективность ее использования для организации многократно превышает сумму всех локальных эффектов, полученных от автоматизации отдельных операций. Система документооборота — такая же часть производственной инфраструктуры, абсолютно равноправная и необходимая, как и оборудование, ресурсы и персонал.

### Основные функции единого электронного документооборота:

- поддержка делопроизводства;
- интеграция с различными приложениями пользователей, используемыми при создании и содержательной обработке электронных документов;
- преобразование форм документов (бумажных, микрографических,

электронных — из любой формы в любую);

- поддержка многоэтапной и многоуровневой коллективной разработки электронных и бумажных документов (назначение ролей исполнителей, динамическая сложная маршрутизация документов, активное сопровождение и контроль деловых процессов);

- атрибутивный учет и полнотекстовое индексирование документов, представленных в различных формах;

- надежное и эффективное хранение большого количества документов, их учетных данных и индексов;

- обеспечение быстрого поиска документов в различных хранилищах (по атрибутам и полнотекстовому) и их быстрой доставки пользователям;

- эффективное управление процессами интенсивной работы с распределенными хранилищами документов большого числа локальных и удаленных пользователей при параллельном использовании ими общих информационных, вычислительных и коммуникационных ресурсов системы;

- обеспечение эффективной защиты (информационной безопасности) документов, их учетных данных и индексов (разграничение и контроль доступа и полномочий пользователей, обеспечение целостности и сохранности информации на всех этапах ее обработки, передачи и хранения).

Важнейшей предпосылкой эффективной реализации перечисленных функций является использование современных информационных технологий.

Таким образом, необходимость перехода к электронному документообороту обусловлена противоречием между необходимостью совершенствования документационного обеспечения управления и традиционными технологиями этого процесса. Материальной основой разрешения этого противоречия выступают современные информационные технологии.

**Маргарита НАМ,**  
студентка 2-курса  
магистратуры ТУИТ

## На портале Ziyonet открыт раздел игр

Разработчики Центра развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM совместно с компанией ООО "Avina Invest" запустили первый блок из четырех игр:

- Правила дорожного движения
- Математический пазл
- Математический блокнот
- "Звездочет"

Игры созданы на флеш-технологии и предназначены для школьников, начиная с первого класса (Математический пазл), а в Правила Дорожного движения с удовольствием играют и взрослые. Для любителей динамических игр предлагается "Звездочет", сочетающий классический "Арканоид" с тестированием по астрономии. Если играете авторизованными, то очки накапливаются, текущее состояние ваших уровней запоминается и выводится рейтинг всех игроков. Победителей рейтинга ждут призы.

Также организация British council предоставила развивающих 10 игр для детей на английском языке. Хороший и приятный повод, играя проверять свои знания английского языка.

Это первый блок игр, планируется увеличивать их количество.

Запуск блока игр — один из шагов Центра UZINFOCOM по модернизации портала Ziyonet с учетом требований времени. И хорошее приближение к сервисам национального сегмента интернета.

### Онлайн игры Ziyonet



#### Правила дорожного движения

Проверьте свои знания правил, регулирующих дорожное движение. Выберите ответ на каждый вопрос правильно. При ответе нужно выбрать один из предложенных вариантов ответа. Если набрано 100 баллов, вы можете играть повторно. Если набрано меньше, вы можете играть повторно. Если набрано меньше, вы можете играть повторно.



#### Математический пазл

Игра для школьников, основанная на игре слова и др. в области математики. Вам нужно будет правильно выбрать ответ. Если набрано 100 баллов, вы можете играть повторно. Если набрано меньше, вы можете играть повторно. Если набрано меньше, вы можете играть повторно.



#### Математический блокнот

Надо решить 10 примеров на умножение. Если результат правильный, вы можете играть повторно. Если набрано 100 баллов, вы можете играть повторно. Если набрано меньше, вы можете играть повторно.

# Хабар +tv

## ДУШАНБА — 25 ФЕВРАЛ

5.55 Курсулар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Қуёндўғ амазонки ҳикоялари".  
М/ф.  
7.10 "Критик ериқчи истайди".  
7.25 Миллий сериал: "Опа - сингиллар".  
8.00 Ҳақиқатим.  
8.40 "Наҳар".  
9.00 Миллий сериал: "Чемпионлик оғури".  
9.20 "Тарқоқёт дастури".  
10.00 "Йоки дегганим".  
10.45 "Саломатлик дастури".  
11.00 "Аббор".  
11.10 "Доктор Хайр". Т/с.  
11.55 "Иқдом".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Критик ериқчи истайди".  
13.05 "Доктор Хайр". Фильм ҳақида фильм.  
13.50 "Шарқ тароналари".  
14.00 "Аббор".  
14.15 "Зиё" студияси: "Эпикод Муҳаммаднинг Янгида".  
14.33 "Иқдом".  
14.40 "Менинг боғим".  
14.55 Ўзбек киноси: "Турдоғ об".  
16.25 "Оғиндан бект ислаб".  
16.40 "Онажоним - табиғ".  
17.00 "Аббор".  
17.10 "Юрган - дур".  
17.25 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
17.40 "Критик ериқчи истайди".  
18.15 "Этасалар - яшашлик етаслар".  
18.35 ТВ - шифорат.  
18.40 "Компекс Рес". Т/с.  
19.25, 20.00, 20.35 Эълонлар.  
19.30 "Аббор".  
20.05 "Навоий бўстонидан".  
20.20 "Муҳаббат виласи". Т/с.  
21.00 "Аббор".  
21.40 "Мунсоқим".  
21.55 "Критик ериқчи истайди".  
22.25 "Шераз гапласи". Б/ф.  
01.00, 01.05 "Феури".  
01.05 Курсулар дастури.  
01.10 "Иқдом".  
01.15 "Менинг боғим".  
02.30 Миллий сериал: "Чемпионлик оғури".  
1.00 "Аббор".  
1.30 "ТелеГарп: Келинлар қўлағони".  
1-қисм.  
2.10 "Ватанларим".  
2.30 "Наҳар".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4.00 "Аббор".  
4.40 Миллий сериал: "Опа - сингиллар".  
5.15 "Саломатлик дастури".  
5.30 "Онажоним - табиғ".  
5.50 - 5.55 "Феури".

20.20 "Критик ериқчи".  
20.50 "Эртанги болалар".  
21.10 "Ғайб". Т/с.  
22.00 "Дар".  
22.30 "Тонги шашини". Т/с.  
22.20 "Афсона ва ҳақиқат".  
00.00 "Ватан меҳри".  
00.30 "Навоий тароналари".  
00.30 "Дар".  
1.00 "Қапитан Грант индани". Т/с.  
1.00 "Шарқ гавоҳи".  
2.30 "Илҳом қантлари".  
4.30 "Афсулар".  
5.20-6.00 "Таранум".

13.00 ХАБАРИЛАР.  
13.10 Болалар майдончаси: "Спортивши" Мультифильм.  
13.35 Тримлиқдан саркар. Жаҳон чемпиони.  
14.35 "Ринг қирғоқлари".  
15.35 Тенис: АТР / WTA турнири.  
16.40 Футзал. Ўзбекистон чемпиони.  
18.00 Болалар майдончаси: "Спортивши" Мультифильм.  
18.30 ХАБАРИЛАР.  
18.50 Футзал. Евро - 2012 энг яхши ўйнади.  
20.30 "Футбол шарҳ".  
21.30 ХАБАРИЛАР.  
21.55 Интерфутбол.  
23.35 Сешабга дастури анжони.  
00.45 "Эртага Футбол".  
01.05 Ўзбекистон Еврога чемпиони.  
1.00 Хабарлар.  
1.20 Жаҳон чемпионишарида: Тримлиқдан саркар. Чини пойғиси.  
3.30 Футбол. АТР / WTA чемпиони.  
"Мангустер Сити" - "Челси".  
4.45 - 3.50 Тенис АТР / WTA турнири.

### КОММЕНТ

06.00 "Мадаҳи".  
06.05 Курсулар тартиби.  
06.10 "Хўшдандиса қомлар бор". Б/ф.  
07.20 "Хурматлиқ алаисти". М/ф.  
07.30 "Салом, Тошкент".  
08.30 Тошкент тароналари.  
08.50 "Мулоқат учун манзу".  
09.20 "Интеллектуал аудион".  
09.30 "Пойтағ".  
09.45 "Иқдом".  
10.10 "Интерво".  
10.20 "Камор оркестрининг концерти".  
10.30 "Пойтағ".  
10.40 "Саргузашт ороли".  
11.05 "Қатга боғичи дарди". Б/ф.  
13.00 "Салом, Тошкент".  
14.00 "Дуё". теледустури.  
14.55 "Бизнес-пойтағ".  
15.00 "Иқдом".  
15.15 "Аза жўра". Т/с. 8-қисм.  
15.35 "Донлар биссонди".  
15.40 "Эртанги эгалари".  
15.45 "Лави издрат".  
16.20 "Эпо-пойтағ".  
16.30 Тошкент тароналари.  
16.50 Муълаларим: Қўнқок дўмбқоқлар.  
1-қисм.  
17.15 "Миллият фитонилари".  
17.35 "Пойтағ йўллари".  
18.00 "Иқдом".  
18.25 "Интеллектуал аудион".  
18.35 Миллий сериал: "Озмилар оғури". 15-қисм.  
19.05 "Эпикод".  
19.20 Тошкент тароналари.  
19.40 "Ғале-маркет".  
19.50 "Хайри тун, болалар".  
20.00 "Пойтағ".  
20.25 "Мулоқатин сўнг". Яқуний.  
21.00 Тошкент тароналари.  
21.20 "Интерво".  
21.30 "Ғале-маркет".  
21.40 "Эълонлар".  
21.50 "Дентиз қўнқоқлар". Т/с. 66-қисм.  
22.00 "Пойтағ".  
22.05 "Эпо-пойтағ".  
22.50 "Кино SMS".  
23.00 "Чуққоқ".  
00.30 Курсулар тартиби.  
00.35 "Урғим ҳақида".  
01.05 "Ватанга ташриф".  
02.30 "Замин паройбоблари".  
03.30 "Катэжети Ватан".  
05.00-06.00 "Салом, Тошкент".

### ТВ

07.00, 08.10, 10.30, 15.30, 19.40, 20.35, 00.00  
04.00-05.00 "ТВМ" навоилари.  
08.00 "Prime time".  
09.40 "Сериал "Без следа".  
11.30 "007. Координати Скайфолд".  
14.10 "Сериал "Христинин йўллари".  
15.10 "Prime time".  
18.00 "Премьера".  
18.30 "Prime time".  
18.40 "Сериал "Ҳиндистан Реальити".  
20.00 "Гоним".  
21.10 "Сериал "Без следа".  
22.00 "МЕНЮЩИЕ РЕАЛЬНОСТЬ".  
4/4.  
02.00 Фестиваль кино: "Безна летга".

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро".  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Навост.  
09.05 "Жағт дорозин".  
10.05 Манавий притвор.  
11.15 Контрольная закупка.  
11.40 "Время обеда".  
12.10 "Доброе утро".  
13.00 Дрoгие новости.  
13.25, 17.40 Понять. Простить.  
14.15 "Хочу знать".  
14.45 "Гы не один".  
15.15 "Нелуэвые заметки".  
15.30 "Дешиво и сердито".  
16.10 "Сериал "Первый брак".  
17.00 Вечерние новости.  
18.10 "Давай покормим".  
19.05 "Путь гоним".  
20.00 "Время".  
20.30, 02.05 "Сериал "Есенин".  
22.20 "Вечерний Ургант".  
23.00 "Сериал "Наша история".  
23.00 Владислав Галкин. Улыбка на память.

### РОССИЯ 1

04.00 Утро России.  
08.00 "1000 мелодия".  
08.45 "О самом главном".  
09.30 Т/с "Кулигин и петиёри".  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.  
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва.  
10.40 Т/с "Тайны следствия".  
11.50 "Дело X. Следствие продолжается".  
12.50, 15.45, 03.45 Вести. Дежурная часть.  
13.50 Т/с "Евросын. Тайская любовь".  
14.45 Т/с "Тайны института благородных девиц".  
16.50 Т/с "Катерина. Возвращение любви".  
19.20 Спокойной ночи, малыши!  
19.40 "Прямой эфир".  
20.25 Т/с "Принцип Хабарова".  
00.15 "Детская".

### НТВ

04.00 "НТВ утрон".  
06.10 Т/с "Возвращение Мухомора".  
08.00 11.00 14.00 17.00 Сетевая.  
08.20 "Вылетит же тишок".  
08.50 "До суда".  
09.55 Суд присяжных.  
11.25 "Суд присяжных Оксентельский вердикт".  
12.35 Т/с "Утрон".  
13.30 16.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.  
14.25 "Прокурорская проверка".  
15.40 "Товариш и покойник".  
16.30 "Левониди Закошникови".  
17.30 Боевик "Морское дно".  
17.50 "Смерть".  
19.25 Т/с "Тира".  
21.15 Сетевая. Итого.  
21.35 Т/с "Чужой район".  
23.30 "Битва на Север. Первый атомия".

### РОССИЯ 2

06.00 "Всё включено".  
06.50 "Моя работа".  
07.15 "В мире животных" с Николаем Дроздовым.  
08.05 10.00 20.15 Вести-Спорт.  
08.15 "Моя работа".  
08.45 "Всё включено".  
09.40 12.50 02.55 ВЕСТИ.ру.  
10.10 "Дон Дракон Уилсон в фильме "Питон".  
11.50 "Накуа 2.0. Непрослые вест".  
Автомобильные диски.  
12.20 "Накуа 2.0. Большая елка".  
Аккумуляторы.  
13.05 "Местное время. Вести-Спорт".  
13.35 Санний спорт. Кубок мира.  
Триколордан ин Сони.  
14.50 Ўзбекистон. Открытый чемпионат Европы. Транслиция ин Болгария.  
16.45 "Самый богатый человек в мире".  
17.15 "Хоккей России".  
17.55 Хоккей. КХЛ.  
22.45 "Неделя спорта".  
23.45 "Накуа 2.0. Эксперимент". Мир в мисторе. Поезда.  
00.20 "06b06b0".  
03.50 Футбол. Чемпионат Англии.  
"Вест Хэм" - "Тоттенхэм".  
03.10 "Вопрос времени". Квизт асемонийи.

### СТС

05.00 М/ф.  
07.00 "История российского юмора".  
08.30 08.30 16.30 "Воронина".  
09.30 "Нереальная история".  
Сатирический альманах.  
16.30 "Галерея".  
11.30 12.30 16.15 22.20 "6 кадрин".  
13.00 "Кунг-фу Панда".  
19.50 "Восмисетисат", Лирическая комедия.  
20.30 "Сестеро".  
20.30 "Лара Крофт. Раскопительница гробниц".  
Хаб. Великобритания Германия - США - Япония, 2001 г.  
23.00 "Давнь молодёжь".  
23.30 "Кино в детали" с Фёдором Болдырчуком.

### ТВ3

05.00 М/ф.  
08.00 "Человек-невидимка".  
09.00 "Параллельный мир".  
10.00 17.00 20.35 "Х-Версии. Другие истории".  
11.00 Х/ф "Дом у озера".  
12.45 Х/ф "Мисс Конгениальность 2: Проведение в гости".  
13.00 15.30 "Галерея".  
16.00 "Параллельный мир".  
17.30 "Охотник за привидениями".  
18.30 Т/с "Питон стража".  
19.30 20.00 "Галерея".  
21.00 Т/с "Искатели".  
22.40 Х/ф "Турецкий гамбит".  
06.45 Профессия.

Хабар

7

**OLXUBEKSTON**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 Кўнгул замкининг ҳикоялари.  
М/с.  
7.10 "Кўнгул кўнжк истайд!"  
7.25 Миллий сериал: "Опа-сингалар".  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Навоийнинг аянгли".  
8.55 Миллий сериал: "Чемпионлик овузи".  
9.25 "Иқлим".  
9.30 "Қишлоқдан мастублар".  
9.50 "Қамолот остида".  
10.10 "Икки дуню". Т/с.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 "Мудаббат валинг". Т/с.  
11.55 "ТВ - шифокор".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".  
12.50 "Кўнгул кўнжк истайд!".  
13.05 "Ахборот" /инглиз/.  
13.15 "Комиссар Рекс". Т/с.  
14.00 "Ахборот".  
14.15 "Дуниё манзаралари".  
14.35 "Қалбимга кулук ту!". Т/с.  
15.20 "Хива: нафосат тисоли".  
15.30 "Об - ҳаю муҳажгалари".  
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу  
20:20 "Супер келинчак" теле-шоу  
21:00 "Улафтар" кўтилчор кўрсатуви  
22:00 "Парвоз авди" кўрсатуви  
23:00 "Мақсад" б/ф (Ҳиндистон)  
02:00 Тунги хайри бўлиш!

### Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файли топи" дастури  
08:30 "Бун ҳаёт лейдилар" б/ф  
09:00 "Мадагаскар-1" м/ф (2 қисм)  
10:00 "Перси Жексон ва чарчоктош уриси" б/ф  
11:30 "Comedy.UZ" теле-шоу  
12:00 "Улафтар" кўтилчор кўрсатуви  
13:00 "Супер келинчак" теле-шоу  
13:40 "Парвоз авди" кўрсатуви  
14:30 "Мақсад" б/ф (Ҳиндистон)  
16:20 "Парламент соти" аборот-таҳлилий дастури  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си  
18:00 "Антракс" кўрсатуви  
18:40 "Бизнес-объективда" кўрсатуви  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Дилкаш диллар" теле-шоу  
19:50 "Дийор ширин" мусиқий-олиш дастури  
22:00 "Меню акам бўйдоқ" б/ф  
00:45 "Муслик вақти" дастури  
01:00 Тунги кинозал: "Рекрут" б/ф  
02:00 Тунги хайри бўлиш!

ТВ-дастурилар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

(Давоми. Бошланиш ўтган сонда)

Иккинчи жаҳон уруши бошларидан ҳам денгиз флотини ва армияда шифрлардан фойдаланиш масаласи долзарблигини йўқотмади. Энди немислар ишонсиз шифрлаш китобларининг бахридан кечиб, янада мураккаб қурилмалар ясашни ўрганиб олишганди.



## аср бошларидаги радиоўйинлар

Математиклар машиналарга қарши

Масалан, немис денгиз флотини "Энигма" машиналаридан кенг фойдаланган. Бу ёзув машинкаси ва арифмометр асосида ишланган механик тизим эди. Бир нечта махсус роторлар (Иккинчи жаҳон уруши бошларидаги қурилмаларда одатда улар учталиқ бўларди) ёрдамида харфлар рақамли кетма-кетликка айлантирилди. Хар бир харф учун белгиланган шифр доимий алмаштириб турилгани боис эфирда уларни эшитиб "очиш"нинг имконияти деярли йўқ эди.

Урушнинг илк йилларида немис сув ости кемаларидан Буюк Британия қақшатқич зарбаларга учради, инглиз разведкасининг энг асосий вазифаларида бир ҳам шу боис "Энигма" шифрларини қўлга киритиш бўлиб қолди. Бу кодларни очиш учун энг сара математик ва мухандислар жалб этилди. Криптографлар Блетчли Паркда қўшим топшиди.

Инглизлар баъзи ҳолатларда радиосигналларни тутиб, уларни ўқишга ҳам муяссар бўлишди, ammo, барибир, "Энигма"нинг ишлаш тамойилини тушуниб олиш учун айнан шифрлаш машинасининг ўзини қўлга киритиш зарур эди. 1941 йилнинг март ойида қўлга туширилган немис мина тутувчиси — "Кребс" кемасидан дастлабки шифрлаш машинаси, май ойида "Мюнхен" метеорология кемасидан иккинчи, кейинчалик бир қанча транспорт кемаларидан бошқалари ўлжа қилиб олинди... Эътиборли томони, сув ости кемаларида ҳам, энгил қуролланган оддий кемаларда ҳам немислар бири-бирига ўхшаш "энигмалар"ни ишлатишга тўғри эди. Тўғри, сув ости кемаларида махсус кодлаш китоблари қўлланилган бўлиб, уларсиз шифрларни ўқиш бўлмади. 1941 йилнинг 9 май кунинг инглизлар душманининг U110 субмаринасини қўлга киритишди ва "Энигма" кодлаш китоби билан қўшиб Блетчли Паркка жўнатилди.

Британияликлар ўзлари қўлга киритган маълумотлар ёрдамида немис субмариналари ҳужумидан муваффақиятли ҳимояланиб ва аксинча, душманга қақшатқич зарбалар бера бошлагач, Германия штаби шифрлар аллақачон душман қўлига тушганини англаб етди. 1942 йилнинг февралда "Энигма"га яна битта ротор қўшилиб, янада тақомиллаштирилди. Бироқ 1942 йилнинг 30 октябрида Германиянинг U559 сув ости кемасидаги янги машинанинг кодлаш китоби ҳам инглизлар қўлига ўтди. Олинган ахборот орқали математиклар ушбу машинанинг ҳам ишлаш тамойилини осон ўзлаштириб олишди.

1943 йилга келиб, немислар Атлантика океани назоратини буткул йўқотишди. Энди уларнинг сув ости кемалари британ флотини учун жиддий хавф туюдир олмасди. Бунда Блетчли Парк гуруҳининг ҳам роли катта бўлди, албатта. Бу гуруҳ "Энигма" билан ёнма-ён, немисларнинг янада махфийроқ вазифалар учун мўлжалланган Lorenz машинасида амалга оширилган кодларни ечиш билан ҳам шугулланган. Мазкур шифрлаш машинасини қўлга киритишни орзу қилмаса ҳам бўларди — у фақатгина юқори даражадаги немис штабларида ишлатилган.

Инглизлар Lorenzни "бузиш" учун Colossus машинасини яратишди — уни кўпчилик дунёдаги биринчи компьютер деб ҳисоблашади. Урушдан кейинги йилларда компьютерларнинг тараққий этишида Блетчли Парк гуруҳининг ақсарият изланишлари ҳам аксини топди.

### Одамлар ва клонлар

Иккита жаҳон уруши оралиғида йигирма йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Мана шу даврда радиоалоқа анчагина ривожланди. Агар 1918 йили радиостанция кемага жойлаштирилган ёки бир нечта аравада ташиб юрилган бўлса,

1939 йилга келиб, кичкина жомадон катталигидаги радиялар пайдо бўлди. Улардан нафақат денгизда, шунингдек, куруқликда ҳам фойдаланиларди — душман ичига кириб олган разведкачилар мунтазам шифрограммалар йўллаб туришган.

Турган гапки, барча мамлакатларнинг аксилразведкачилари жосус ва диверсантларни тутиш учун бор имкониятларни ишга солишган. Бунинг учун радиотўқинни тутиш ва пеленгация (радиозўтқиннинг жойлашган ўрнини аниқлаш)дан фойдаланилган. Пеленга-

**Инглизлар Lorenzни "бузиш" учун Colossus машинасини яратишди — уни кўпчилик дунёдаги биринчи компьютер деб ҳисоблашади.**

ция учун хатто кўчма машиналар ишлатилган, ammo радиотўқинни тутиш, душман агентини қўлга тушириш билан иш битмаслиги вақтлар ўтиб ойдинлашди. Аксилразведканинг бош мақсади ҳам шу — нафақат жосусликка барҳам бериш, балки унинг номидан алоқага чиқиш керак. Ана шунда душмани ёлгон ахборот билан авраш, "олди-берди" хабарларда нима, қачон, қаерда рўй беришидан огоҳ бўлиш, бунда кимлар иштирок этишини билиш, бутун бошли агентура тармоқларини фош қилиш мумкин бўлади. Бу хақиқий "радиоўйин" ёки немисчасига Funkspiegel деб аталган.

1914 йили немис эскадрасини энгил учун шифрларни билишнинг ўзи кифоа қилган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги разведкачиларнинг иши анчагина мураккаб эди. Алоқа станцияларида разведка гуруҳи хар бир радиостанциянинг "имзоси"ни, уларнинг ахборот узатишдаги ўзига хосликларини ёддан билишарди. Мабодо разведкачининг номидан бошқа биров алоқага чиқса, тажрибали алоқачи уни тезда аниқлай оларди.

Радистни "клонлаштириш"нинг энг яхши усули уни ўз томонига оғдириб олиш, ўз назорати остида ишлашга мажбур қилиш эди. Бунинг учун ҳамма

нарсга ишга солинарди — кийноққа солиш, шантаж, пуллар...


Разведкачини душман орасига юбораркан, қўмондонлик, албатта, унинг асир олиниши эҳтимолини ҳам ҳисобга олган. Шифрлардан ташқари, разведкачиларда махсус шартли белгилар (одатда бу хабар узатишдаги атайин қилинган "хаюлар" эди) бўларди. Агарда разведкачи ёлгон маълумот жўнатяптими, демакки, у бу ҳақда "хато" орқали огоҳ қилиши керак. Ammo бу "клонлашдан ҳимоя усули" ҳамма пайт ҳам иш беравермасди...

Иккинчи жаҳон урушининг бошларида асосий радиоўйин ташкилотчилари гестапочилар эди. Улар, айниқса, Парижда зўр ишлашган, 1940 йили инглиз разведкаси билан боғланган тармоқни қўлга туширишди. Тезда радиоўйин бошланиб кетди ва 1944 йилнинг май ойигача давом этди. Бунинг натижаси ўларок, босиб олинган Францияга ташланган британ разведкачиларининг кўпчилиги фашистлар қўлига тушди. Ваъда қилинган қурол-ёроғ ва озик-овқатлар ҳам француз партизанларига келиб тушмасди, ахир, инглизлар бу ваъдани гестапонинг "қулоғи"га айтишган-да...

Вақти-соати келиб инглизлар коса тағида немисга борлигини пайқаб қолишди. Шундан сўнг улар атайин немисларни янги маълумотлар билан "тўйдириш", айрим харбий ҳаракатлар чизмасидан "бохабар қилиш"га киришиб, ёнма-ён равишда бошқа агентура тармоқларини барпо қилишга уриниб кўришди. Афсуски, гестапочиларнинг иккиёқлама ўйини фош бўлгунча анча вақт ўтиб кетди. Британия разведкаси ўз қўли билан қанчадан-қанча қимматли агентларини душман қангалига йўллади.

Немислар бу "ўйин"ни ўзига хос ҳазил билан тугатмоқчи бўлишди. Лондонга йўлланган охири радиogramмада шундай дейилди: "Сизга ҳамкорлик ва бизга жўнатган қуролларингиз учун раҳмат". Инглиз алоқачиси саломга яраша алик берди: "Арзимаёйди. Бу бизга ортқича қийинчилик туюдирмади. Қуролларни эса биз тезда қайтариб оламиз". Хақиқатан ҳам орадан кўп ўтмай америка-инглиз қўшинларининг Францияни, қолаверса, Европани фашистлардан озод қилиш учун ҳужуми бошланди.

Собит АХАДОВ тайёрлади



12 дискли «Lorenz» машинаси

3 роторли «Enigma» машинаси

### Айни ҳақиқат

— 2001 йили "Энигма" номли бадиий филм суратга олинган (реж. М.Энтед, акт. Д.Скотт, К.Уинслет, С.Берроуз ва бошқалар).  
— Блетчли Паркда 12 мингдан зиёд киши фаолият кўрсатган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)



**Ўртоқларим интернет-кафеда ярим тунгача вақтларини ўтказишади. Мени ҳам таклиф этишяпти. Мен эса бундай жойлар ҳақида кам биламан. Интернет-кафелар ҳақида маълумот берсангиз.**

Ж.АСҚАРОВ, Қарши шаҳри

### ИНТЕРНЕТ-КАФЕ — БУ ҚАНАҚА ЖОЙ?

Компютер, веб-камера, наушник (қулоқчин)... асосан мана шулар бу ерда сизнинг асосий "қуролингиз". Албатта, администраторга айтиб компютерларнинг бирига вақтни қўшгирасиз ва дунёга "шўнғийсиз". Қаердан, қандай маълумот ахтаринг эса сизга боғлиқ. Дарвоқе, агар қорнингиз очганини сезсангиз ёки чанқасангиз ингилгина тамадди ва яхна ичимликлар ҳам мунтазир. Қисқаси, ким учундир кўнгилочар, ким учундир ахборотлар манбаи, кимлар учун тил ўрганиш ва хоказолар.

### НАРХЛАР ҚАНДАЙ?

Албатта, юқоридаги хизматларнинг ҳеч қайсиси текинга эмас. Қарши шаҳридаги интернет-кафеларда 1 соатлик "сайр" 1200-1400 сўм атрофида нархланади. Агарда сиз веб-камера хизматидан фойдаланмоқчи бўласангиз, унда 2000-2500 сўм тўлайсиз. **БЛИЦ-МАЪЛУМОТ:** веб-камера орқали чет элдаги (Россия, МДХ ёки Жанубий Корея ва бошқалар) яқинлашиш билан видео-таевиор орқали суҳбат қуришингиз мумкин.

### ҚУЛАЙЛИКЛАР

Қарши шаҳридаги бир қатор — Қарши давлат университети ёнидаги иккита (Millenium ва Shuhrat.uz), Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ёнидаги битта (Internet center — шартли номи "Маржон") ҳамда марказдаги учта интернет-кафедаги мижозлар учун қулайликлар билан танишдик. Баъзиларида мусиқа тинглаб ишлашингиз учун қулоқчинлар бўлса, баъзиларида йўқ. Шунингдек, баъзиларида маълумотингизни чоп этишингиз учун принтерлар мавжуд. Деярли барчасида маълумотни флешкага ташлаб олиш учун имконият бор.

# Виртуал олам

## Сиз бу оламда қандай мақсадлар билан яшаясиз?..

### НОҚУЛАЙЛИКЛАР

ҚМШИ яқинидаги "Маржон"да компютерлар нисбатан эски, клавиатуралар ҳам. Деярли барча интернет-кафеларнинг хоналари нимқоронғу. "Shuhrat.uz", "Sagbon" каби интернет-кафеларда компютер ўйинлари ҳам ўйналади. Шу сабабди, шовкин ва бошқа безовталиклар бўлиши табиий.

### НАЗОРАТ ҚАНДАЙ?

Ҳа, ҳа. Бу кўпчиликни қизиқтириши табиий. Хўш, 20-30та компютерда ишлаётган мижоз қандай назорат қилиб турилади? Улар турли беҳаё ёки бошқа шу каби бузғунчи сайтларга "ўралашиб" қолмаслиги учун қандай чоралар кўрилган? Афсуски, биз бирорта ҳам интернет-кафеда бундай сайтларга кириш тақиқланиши ҳақида маълумотни кўрмадик. Демак... **БЛИЦ-МУЛОҲАЗА:** Аслида университет, институт ва коллежларда ҳам интернет мавжуд. Аммо у ерда назорат кучли. Биргина ҚМШИ кутубхонасидаги компютерлар администратор нигоҳидан бир зумга ҳам четда қолмайди. Интернет-кафеларда эса бундай дейиш қийин. Албатта, барчасида эмас. Millenium ҳамда "Офис-маркет" дўкони ёнидаги (узр, кафенинг ҳеч қаерида номи ёзилмаган) интернет-кафеларда нисбатан бундай "эркинлик" бўлган.

### ФИКР

— Инглиз тилидан сабоқ берганлигим сабабди интернетдан жaxon педагогик тажрибаларини ўрганиш учун тез-тез фойдаланаман. Баъзида интернет-кафеларга ҳам бориб тураман. Кўпчилик интернетдаги вақтини бекорга, кўнгилоқчилик учун сарфлаётганини кўриб ачинаман. Чунки бир соат ичида интернет орқали тил ҳам ўрганиш мумкин. Бунақа сайтлар ва дастурлар тармоқда жуда кўп. Майли, ўша "одноклассники"ни ёки "фейсбук"ни ижтимоий тармоқларда ҳам дўстлар орттиришинг. Улар билан ўалари қизиққан тилда баҳсга киришингиз. Бу ҳам ўзига ҳос усул. (Б.М.)

### ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Электрон почта, ижтимоий тармоқларда ҳимоя сифатида ўз логин ва паролингизга эга бўласиз. Мана шу логин ва пароль билан фақатгина сиз ўз профилингиз ёки почтанингизга кира олишингиз мумкин. Бу борада ҳам қўнгилоқчиликлар учраб туради. Кимдир сизнинг почтанингизни "титқилаган" ёки профилингизга кириб, номингиздан дўстларингизга яхши-ёмон сўзлар ёзган... Юқоридаги каби ҳолатларга ўзимиздаги эҳтиётсизлигимиз сабаб бўлади. Интернет-кафеларда почта ёки ижтимоий тармоқдаги ишимизни битиргач албатта "Чикиш (Выход)" буйруғи билан чиқшимиз лозим. Агарда шундай бўлмаса логин ва пароль портал ёки сайтда сақланиб қолади ва сиздан кейинги фойдаланувчи ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин.

### ИШЛАШ ТАРТИБИ

Афсуски, интернет-кафеларнинг бирортасида (Shuhrat.uzдан ташқари) ҳам иш тартиби ёзиб олиб қўйилган маълумотга дуч келмадик (Milleniumда хаттоки пешлавах ҳам йўқ). Администраторлардан сўраганимизда эса, улар "иш вақтимиз тунги 12.00-1.00ларда тугайди" деб маълумот беришди. Шундан келиб чиқиб, интернет-кафеларнинг иш вақтини эрталаб соат 8.00-9.00дан тунги 12.00-1.00гача деб белгилаш мумкин. Баъзилари дам олиш кунисиз ишлайди.

### НИМА БИЛАН БАНД?

Эслатиб қўйиш лозим. Агарда интернет-кафеларга оқшом пайти ёки тушликдан сўнг борсангиз жой топишингиз мушкуллашади. Нега дейсизми? Одам кўп. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам сиздек керакли маълумотни кидириш ёхуд электрон почтасини текшириш учун бу ерда эмас. Улар ижтимоий тармоқда узо-о-о-қдаги ўртоқлари билан гаплашишяпти, холос. **БЛИЦ-МАЪЛУМОТ:** Бугунги кунда "Одноклассники", "ВКонтакте", "Facebook", "Мой мир" каби бошқа ижтимоий тармоқлар оммалашган. Уларда миллионлаб фойдаланувчилар бор. Шундай экан бу виртуал оламдаги суҳбатингиз "мазмунли" ўтиши турган гап.

### ХУЛОСА

"Куч бу масъулият демакдир", деган эди донишмандлардан бири. Интернетнинг бугунги кундаги кучига таъриф келтиришга ҳожат бўлмаса керак. Энг муҳими, сиз бу кучдан қандай ва қай мақсадда фойдаланясиз? Ҳамма гап шунда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
«Xabar»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



# Эзгу истак йўлида

**2012-2013 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари орасида Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали "Компютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти" мутахассислиги 2-босқич магистри Артур Арутюновнинг ҳам борлиги жуда қувонарлидир.**

Артурнинг ёшлигидан техникага жуда қизиқувчанлигини сезган отаси Андрей, онаси Сожида опа унга алоҳида эътибор бериб, у ёқтирган кичик ўйинчоқ техникаларни олиб беради, сўраган барча саволларига имкон даражасида жавоб беради эди.

Мақтабини аъло баҳолар билан битирган Артур Самарқанддаги 2-иктисодиёт ва сервис лицейига ҳужжатларини топшириб, уни 2007 йилда имтиёзли тугатди.

Техникага бўлган қизиқиши уни ўша йили Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига етаклади. Университетда ахборот технологиялари факултети информатика йўналиши бўйича тест синовларини топшириб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

2-босқич талабалик пайтларида, "Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими" бошлиғи, доцент Тўракул Нормуродов устозлигида факат ўқув дастурлари билангина қифояланиб қолмасдан, бошқа қизиқарли йўналишларда ҳам ўз устида ишлади.

Артур "нима учун бошқалар қила олган ишлар менинг қўлимдан келмайди" деган фикр билан кечаю кундуз ўз устида тинмай ишлаб, билим даражасини ошириб борди. Компютер технологиялари соҳасида тубдан изланди, ўрганди. Университет филиалида ўтказиладиган танлов ва мусобақаларда доимий қатнашиб олдинги ўринларни эгаллаб келди.

Тошкентда ўтказилган дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатида ярим финалга чиқиб, ўзининг очилмаган қирраларини намойиш қилди.

Талабалик йилларининг 3-босқичида информатика бўйича ўтказилган республика танловида фахрли 2-ўрин соҳиби бўлди. "Бундай ютуқларга эришишда, — дейди Артур, — устозим Темура Соқиевнинг хизматлари жуда каттадир. Унинг ёрдамида компютерда дастурлашнинг сир-асрорларини ўргандим. Президент стипендиати бўлганим мен учун катта ютуқ. Энди мен докторантурага ҳам имтиёзли, яъни имтихонларсиз қабул қилинишим мумкин".

Бугунги кунда Артур университет филиалининг "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг йўлловчи менежеридир. Бундан ташқари, "Электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг тармоқ технологияларидан фойдаланиб автоматлаштиришнинг дастурлар пакетини яратиш ва унинг таҳлили" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Артурнинг мақсади — билими ва меҳнати билан Ўзбекистонни бутун дунёга танитишдир. Бундай эзгу истак йўлида унга амаллар тилаймиз.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

**«Президент стипендиати бўлганим мен учун катта ютуқ. Энди мен докторантурага ҳам имтиёзли, яъни имтихонларсиз қабул қилинишим мумкин».**

## XOTIRA UYG'ONSA GO'ZALDIR

**Эргаш ака Аллаев номини республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассисларидан кўпчилиги устоз сифатида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.**

# Яхшиликка бурканган умр

Эргаш Хасановичнинг меҳнат фаолияти серкирра ва сермазмун бўлди. У 1972 йилда Ленинград электротехника алоқа институти аспирантурасига ўқишга кириб, муваффақиятли тугаллади ва техника фанлари номзоди даражасига эришди. Педагог-устоз сифатида электралоқа соҳасини ривожлантириш учун муносиб шогирдлар тайёрлади.

Домла 1976-1994 йиллар давомида Тошкент электротехника алоқа институти ассистенти, доценти ва кафедра мудири лавозимларида ишлаб, институтнинг илмий, методик ва ўқув жараёнларини такомиллаштиришга ҳамда юқори малакали алоқачи кадрларни тайёрлашга хисса қўлди. Бу йилларда унинг раҳбарлигида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, мустақил республикамиз телекоммуникация тармоқларида шаҳарлараро ва халқаро автоматик телефон алоқасини кенг қўланили жорий этишга замин яратувчи ускуналар иختиро қилинди ва уларнинг ишлаб чиқарилиши ва телекоммуникация тармоқларига ўрнатилиши ташкил этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг устоз "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимида меҳнат қилиб, телекоммуникация тармоғини янгиллашга хисса қўлди. Унинг фаол иштирокида Ўзбекистон республикаси телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш мақсадида амалга оширилган бир қатор лойиҳалар доирасида республикамиз телекоммуникация соҳасида замонавий технологиялар қўлланилиб, мамлакатимиз аҳолисига юқори сифатли хизмат турларини кўрсатиш имконияти яратилди.

Э.Аллаев 1994-2004 йиллар давомида "Ўзбектелеком" концернида, "Ўзбек Маҳаллий Телеком" ДЭАБда, "Маҳаллий телеком" акциядорлик компани-



ясида ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида бош директорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари лавозимларида ишлаб, республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишда мунтазам қатнашди.

"Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш лойиҳаси" I босқичи (OEFCF) ҳамда II босқич (JBIC)ларида иштирок этди.

Кадрлар малакасини оширишдек долзарб муаммони хал этиш мақсадида 2003 йил 4 мартдаги "Ўзбектелеком" АК қузатув кенгаши қарорига биноан "Инженер-техник маркази" филиали очилишида ташаббускор бўлди. Э.Аллаев 2004 йил 11 августда "Ўзбектелеком" АКнинг "Инженер-техник маркази" филиали директори лавозимига тайинланди. Мазкур филиал ташкил этилганидан бошлаб унинг раҳбарлиги остида соҳанинг минглаб раҳбар ва мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари, талаба ва магистрлари ўз малакаларини оширдилар.

Э.Аллаев 2008 йили барча вилоят телекоммуникация боғламаларида хизмат сафарига бўлиб, корхона мутахассислари билан телекоммуникация хизматларини сотиш ва корхона молиявий аҳолини яхшилаш бўйича суҳбатлар ўтказди. Бунинг натижасида телекоммуникация хизматларини сотиш ишлари жадаллашди ва боғлама-

лар томонидан рақобатбардош муҳитда ишлаш кўникмаси ҳосил бўлди. Компанияда харажат қилмай, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда кўшимча даромад олиш ишлари йўлга қўйилди.

Устоз компания раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйишда шахсан қатнашди. Захирадаги кадрлар учун махсус

малака ошириш курслари ташкиллаштирилди ва уларни раҳбарлик лавозимларига лаёқати бўйича тест синовидан ўтказиш амалга оширилди.

2010 йилдан Э.Аллаев кўшимча равишда "Ўзбектелеком" АК маркетинг гуруҳи раҳбари сифатида фаолият олиб бориб, компаниянинг маркетинг ишларини кучайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқди. Кўшимча хизматларни сотиш, ADSL модемларни ўрнатиш, кўп даромад берувчи миқозларга алоҳида хизмат кўрсатиш бўйича телекоммуникация боғламалари учун йўриқномалар ишлаб чиқди. Бунинг натижасида кўшимча хизматлар сотиш ва миқозларга хизмат кўрсатиш тизими равишда амалга оширилишига ва корхоналар молиявий ҳолати яхшиланишига замин яратилди.

1992 йилнинг августида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этганлиги муносабати билан "Мустақиллик" эсдалик нишони, телекоммуникация соҳасига қўшган самарали меҳнати учун 1999 йил 27 сентябрда "Мохир алоқачи" фахрий унвони билан мукофотланган.

Э.Аллаевнинг умри давомида олиб борган ишлари мамлакатимизнинг энг асосий тармоқларидан бири бўлган алоқа соҳасини ривожлантиришга ҳамда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша оладиган даражага қўтаришга қаратилган эди. Устоз қолдирган ишлар ва яратган илмий мактаблари ёш мутахассислар учун бебаҳо тажриба, билим ва малака ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Эргаш ака Аллаевнинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва Ўзбекистон алоқачилари хотирасида доимо сақланиб қолади.

**Тоҳир БИКМЕТОВ,**  
**Омонулла НАСРУЛЛАЕВ,**  
**Жамол МАХСУДОВ**

### Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси жамоаси Қашқадарь вилоят ҳудудий бўлимида ходими Райхон Баратовга падари бузруквори

**БОЙМАТ ОТАНИНГ**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



### ФАКТ

Юртимизда 2005 йилнинг декабридан "Электрон пул ўтказмалари" тизими ишга туширилган бўлиб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарь филиалининг туманлардаги алоқа бўлимларида ҳам бу тизим самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоят бўйича 286та алоқа бўлимидан 70тасида электрон пул жўнатмалари амалга оширилади. Электрон пул жўнатмалари автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилишининг асосий мақсади етиб бориш қийин бўлган чекка аҳоли масканларида яшовчи фуқароларимизнинг ўзи яшаб турган жойдан туриб республикамизнинг хоҳлаган алоқа ҳудудига юборадиган пул жўнатмаларини тез, осон ва қулай тарзда эгаларига етказишни амалга оширишдир.

# Миллий кутубхона ўқув залларида

## Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб тўёна сифатида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги бинада хизмат кўрсатишни бошлади ва кутубхона давлатимиз равиога йўлида илм тарқатувчи, миллий истиқлол руҳида таълим-тарбия берувчи, энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ёшларни юксак маънавиятли, маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашга фондларидаги мавжуд ахборот-ресурслари орқали ҳисса қўшувчи масканлардан бири ҳисобланади.

Кутубхона биносининг умумий майдони 38 000 квадрат метрни ташкил қилади, шундан, симпозиумлар зали 12 785 квадрат метрдан, кутубхона 25 215 квадрат метрдан иборатдир. Кутубхонадаги залларнинг майдони 3 202 квадрат метрни ташкил қилади ва умумий 24 зал мавжуд бўлиб, шундан 13таси ўқув зали ҳисобланади. Ўқув залларида бир вақтнинг ўзига 700 фойдаланувчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Миллий кутубхона фойдаланувчилари кутубхонага аъзо бўлиш жараёнида ёши, ўқиш жойи, илмий даражасига қараб турли тоифаларга бўлинади ва ўқув залларига бириктирилади.

Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш фойдаланувчиларга ахборот ва электрон ресурсларни тезкор, тўлиқ ва сифатли олиш имконини яратиб, барча тоифа фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талабларини қондириш асосий вазифамиздир.

Кутубхонадаги мавжуд ўқув заллари ахборотларни фойдаланувчиларга етказиб беришда энг замонавий компютерлар, нусха кўчириш аппаратлари, сканерлар, имконияти чекланган фойдаланувчилар учун махсус компютерлар билан таъминланган. Автоматлаштирилган технологияларнинг жорий қилиниши кутубхона фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш сифатининг унумли ва юқори бўлишига имкон берди.

Ўқув залларида кутубхонанинг электрон каталоги, NORMA, Lex.uz — ахборот-қидирув дастурларидан фойдаланиш, кутубхона фондларида мавжуд турли кўринишдаги ҳужжатларни: китоблар, газета ва журналлар, хариталар, ноталар, аудио-

визуал нашрлар, микроформа ва микрофишлардан фойдаланиш, маълумот қидириш ва манбаларни танлашда маслаҳатлар олиш мумкин.

"Ўзбекистон", "Адолат", "Истиқбол", "Жаҳон" ўқув залларида ташкил қилинган очик фондлар янги бинада китобхоналар учун яратилган энг қулай шароитлардан бири бўлди. Фонднинг очик тарзда жойлашуви фойдаланувчини китоб жавонлари оралаб ўзига зарур бўлган китобларни бемалол излаш ва буюртма бериш, шунингдек, кутубхона фондига янги олинган китоблар билан яқиндан танишиш имконини берди. Очик фондлардаги нашрларни сақлашга келсак, китобларнинг барчасига RFID-чиплари қўйилган. Кутубхонанинг биринчи қавати фойсисда чилларга таъсир кўрсатувчи махсус мослама ўрнатилган бўлиб, ҳеч бир китобнинг йўқолиши, кутубхонадан ташқарига олиб чиқиши мумкин эмас. Шунингдек, RFID-чиплари фондни инвентаризациядан ўтказиш жараёнида нашрларни топиб бериш, фондга нотўғри жойлаштирилган нашрларни тез аниқлаш имконини беради.

Фойдаланувчиларга кутубхона фондларида мавжуд нашрларнинг тўлиқ электрон шакли билан хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. "Илм" ўқув залида Мустақил Ўзбекистонда химоя қилинган 13 мингдан зиёд номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тўлиқ электрон шакли билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, барча ўқув залларида Президент асарлари, турли энциклопедиялар, фойдаланувчилар томонидан кўп сўралар



**Кутубхонадаги залларнинг майдони 3 202 квадрат метрни ташкил қилади ва умумий 24 зал мавжуд бўлиб, шундан 13таси ўқув зали ҳисобланади.**

диган авторефератлар, сиёсий, илмий-оммабоп, бадий асарларнинг электрон шакллари мавжуд.

"Ижод" ўқув залида Sibelius-Sibelius Software фирмасининг Microsoft Windows, Mac OS, Mac OSX ва RICS OS учун нота партитуралари муҳаррири саналадиган махсус дастур бўлиб, дастурдан бастакорлар, мусиқий сайқал усталари, чолғувчилар, талабалар ва барча кутубхона фойдаланувчилари фойдаланиши мумкин. Ушбу компютер дастури ердимида фойдаланувчилар ноёта нота нашрларининг нафақат электрон шаклига, балки босма нусхасига, ўзининг мўъжазгина наشريётига эга бўлиши мумкин.

"Жаҳон" хорижий адабиётлар ўқув залида TOEFL, IELTS, GRE, GMAT, SAT, LSAT, MCAT, ACT ва бошқалардан очик фойдаланиш, шунингдек, китобхоналар учун Proquest, Emerald, Springer, IVIS, EBSCO Publishing, Wiley, JSTOR, ALUKA, Oxford University Press, Cambridge Journals Online каби хорижий нашрларнинг тўлиқ матнли китоб


ва журналларига очик кириш имкониятлари ҳам яратилган.

Кутубхонадаги барча ўқув залларида анъанавий тарзда ташкил қилинган китоб кўргазмалари мавжуд бўлиб, кўргазмалар аниқ бир мавзуга, шахсларга оид ҳамда муҳим ва унутилмас саналарга бағишланган ташкил қилинади. Шунингдек, интерактив кўргазмалар: "савол-жавоб", викторина, кроссворд кўргазмалари китобхоналарда катта кизиқиш уйғотди.

Кутубхонадаги мавжуд барча ўқув залларида кўшимча хизмат турлари: нусха кўчириш, сканерлаш, файлларни юклаб олиш ва чоғ этиш, электрон маълумотни CD, флешкага кўчириш каби хизматлар ҳам амалга оширилади.

Ахборот технологиялари асрида қўлбал кутубхоналар фойдаланувчилари ахборотларни интернет орқали олишни афзал кўришади. Шунинг учун ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларни кутубхонага янада жалб қилиш масалаларига алоҳида эътиборини қаратиши лозим. "Жаҳон" ўқув залида ташкил этилган "Инглиз тили сўзлашув клуби" фаолияти бунга мисол бўла олади. Клубда инглиз тилини мукаммал ўзлаштиришни хоҳловчилар иштирок этади. Клуб аъзолари ҳафтада уч марта йиғилишади ва фақатгина сўзлашув амалиётининггина эмас, балки мулоқот қилиш малакасини, тақдиротлар ўтказиш маҳоратини оширади. Бу ташаббус қўлбал фойдаланувчиларни кутубхонага жалб қилди ва кутубхонада шундай махсус клубларни янада кўпайтириш режалаштирилди.

**У. ТЕШАБОВА,**  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
ўқув заллари хизмати раҳбари



**Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида онлайн-анжуман ташкил этилди.**

Тадбирда Успенский номидаги Республика ихтисослашган мусика академик лицейи ҳамда Тошкент шаҳри мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этади.

Муҳаммад Али адабиётта 1950-йилларнинг охирида кириб келди. Дастлаб-

## Онлайн мулоқот

ки шеъри 1957 йилда матбуотда эълон қилинган. Шу вақтгача шоирнинг 30га яқин шеърий китоблари нашр қилинган. Адиб ижодида "Машраб", "Гумбаздаги нур", "Заминда яшаймиз", "Мухаббат" дostonлари, "Боқий дунё" шеърий романи, "Сарбадорлар" ва "Улуғ салтанат" тарихий романлари катта ўрин тутди.

Шоир ижодида бадий таржима ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Қадимги хинд эпоси "Рамайна", Қорақалпоқ эпослари — "Шахриёр", "Маспошшо", Роберт Бёрнс, Галактион Табидзеларининг шеърий китоблари шоир таржимасида чоғ

этилди. Шунингдек, Ҳоқоний, Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Махтумқули, Абай, Тағорларнинг айрим асарларини ҳам таржима қилган.

Анъанавий еттинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман интерактив савол-жавоб руҳида ўтди. Бир соатга мўлжалланган мазкур онлайн-мулоқотда 500дан ортиқ иштирокчилар билан боғланилганлиги ҳар галгидан-да кизиқarli чикишига сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, онлайн мулоқот иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мулоқотда катнашганлар адибнинг яратган асарлари

ва бу асарларнинг ахамияти, йил давомида эришган ютуқлари, ижодкор ҳаётига доир кизиқarli саволларга жавоб олди.

Анжуманда Муҳаммад Али тарих ҳақида ёзишни яхши кўришини, шу сабабли яратган асарларининг кўпи тарихий романлар эканлиги ва шу кунларда "Улуғ салтанат" тарихий романининг тўртинчи боби устида иш олиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтди. Бу йил шоир янги шеърий китоблар чиқаришни режалаштирганини таъкидлади.


**Бобомурод ИБРОҲИМОВ,**  
Республика болалар кутубхонаси  
етакчи кутубхоначиси

Ўзбекча Википедиядаги мақолалар сони 80 мингдан ошди.

# Сарҳисоб

## "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси жамоат фонди"нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида

2008 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси жамоат фонди" ташкил этилганидан буён соҳа корхоналари ҳамда уяли алоқа компаниялари томонидан кўрсатиладиган ҳомийлик ёрдами ҳисобидан иш юритиб келмоқда.



Жамоат фондининг асосий мақсад ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг яратилиш тарихи, ривожланиши ва тараққиётини нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бутун жаҳонга тартиб келувчи соҳа музейларини ва уларнинг худудий филиалларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, улар фаолиятини йўлга қўйиш; мамлакатимизда почта, телефон-телеграф, радиоалоқа, радиоахборотлаштириш ва телевизион хизматларининг ташкил этилиши ҳамда ривожланиш босқичларини кенг оммага етказиш;
- музейларда сақлаб қолинган соҳага оид ноёб ва нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш ва тарғиб қилиш;
- Тасвирлар ва Васийлик кенгаши аъзоларининг хомийлиги кўмағида сақланаётган соҳа тарихига оид музейбоп материаллар, ҳужжатлар, ахборотлар, маълумотлар, кўргазмалар ва экспонатларни тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этиш.

- Жамоат фонди томонидан соҳа фаолиятига доир 30дан зиёд йиллик анжуман, матбуот-конференциялари, тақдирот ва бошқа турли йиғилишлар юқори савияда ўтказилди. Жумладан,
- "BEST SOFT UZBEKISTAN-2012" Миллий форумининг очилишига бағишланган анжуман ҳамда матбуот-конференцияси;
- 2012 йил 24-28 сентябр кунларида Тошкент шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилган "АКТ ҳафталиги";
- 2012 йил 1 мартда "Microsoft" корпорацияси делегацияси билан биргаликда ташкиллаштирилган семинар;
- 2012 йил 28-30 ноябр кунлари Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва ҳавфсизлиги вазирлиги делегацияси билан ташкиллаштирилган учрашувлар;
- 2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Музей ишлари бўйича семинар;
- Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Грузия Республикаси вакиллари иштирокида 2012 йил 2-3 феврал кунларидаги ўқув семинари;
- "Ўзбекистон-Германия" алоқа жамиятининг ҳисобот йиғилиши.

- Ўтказилган тадбирларнинг аксарияти республикада компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш бўйича соҳага доир асосий воқеаларга бағишланди. Шунингдек, тасдиқланган режа-жадваллар асосида, Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари иштирокида Музейнинг катта залида ҳамда экскурсия давомида талабалар учун турли мавзуларда семинар-ўқиншлар ўтказилиб келинмоқда.

- Алоқа тарихи музейи Ўзбекистоннинг нуфузли музейлари каторидан муносор бўлиб ўрганилган, очилишидан то 2012 йил охиригача 35 500 нафардан зиёд киши ташриф буюрди. Музейда сақланаётган экспонатлар сони 7100тани ташкил этади.

- 2012 йил учун тасдиқланган ҳужжат бўйича сарф қилинган харажатлар 371 680,0 миң сўмини ташкил қилди. Жумладан, Жамоат фонди ва Музейлар дирекциясининг фаолияти бўйича 275 374,0 миң сўм, бошқа мақсадли туловлар учун 73 306, 0 миң сўм, соҳа музейини ривожлантириш, тақомиллаштириш ва унинг моддий-техника таъминотини яхшилаш учун 23 000,0 миң сўм маблағ сарф қилинди.

- Алоқа тарихи музейи фаолияти билан интернет орқали ҳам танишиш имконияти мавжуд. Музейдаги экспонатлар Виртуал тур музей веб-сайтига жойлаштирилди. Шу билан бирга, Алоқа тарихи музейи тўғрисидаги маълумотлар, музейда ўтказилган тадбирлар, ўқув семинарлар, турли йўналишлардаги йиғилишлар тўғрисидаги янгиликлар ҳам сайтта мунтазам жойлаштириб бориламоқда.

## Муросада гап кўп

Ўтган йилнинг сентябр ойида бир-бирига узукка қўйилган кўздай мос келувчи икки ёшга никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топирилиб, уларни бир оила деб эълон қилган эдим. Тўй ҳам жуда батариб, чиройли ўтди. Яқинлари, дўстлари уларга бахту саodat, фаровон хаёт тиладилар. Мен ҳам ич-ичимдан хурсанд бўлган ҳолда уларнинг намунали оила қура олишларига ишонган эдим, ўшанда.

Яқинда хонам эшиги охишта чертилди ва бир аёлнинг майини ва шикаста овози эшитилди. Қарасам, ўша, ҳаммининг ҳаваси келган келинчақ. Ийманибгина киришга рухсат сўраб турибди. Қандайдир нохушликни сезиб, юрагим шиф этди. Сўнг ўтиришга таклиф этдим.

— Опажон, эрим билан ажрашмоқчиман. Хозир ариза ташлаб кетсам, неча кунда ажратасиз, — деди ерга қараган ҳолда.

— Нега энди ажратишим керак экан, — саволига савол билан жавоб бердим. — Нима, оила қуришни ўйин деб ўйлайсизми?

— Мен-ку турмуш ўртоғим билан ажрашганимни хоҳламайман. Лекин қайнонамнинг тинчлик бермапти-да. Ўтирсам ўпокман, турсам сўпоқ. Ҳеч бир қилган ишим ёқмайди. Яхшиси уйимга кета қолай дегандим.

— Чикқан киз чигириндан ташқари, деган гапни эшитганимиз, — дедим кўнгилга оғир ботмайдиган оҳанда. — Ота уйингиз энди сиз учун бетога жой. Аёл уйингиз келин бўлиб тушган жойингиз. Буни унутманг. Турмушнинг муштларига чидаган одамгина эл орасида обрў-этиборга сазовор бўла олади. Сиз қайнонанингизни онангиз ўрнида кўришга ҳаракат қилинг. Шунда танбехлари оғир ботмайди. Рўзғор тутишни ҳам у кишидан ўрганинг. Бу ишларда кўзингиз ўғри бўлинсин. Ҳар бир ишга синчиклаб назар солинг ва ўшандай қилишга ҳаракат қилинг. Шунда қайнонанингизни кўнгли жойига тушади. Қайнонанинг фарзандлар тарбиясида, оила юритишда алта ибратли аёл. Унга ўхшасангиз кам бўлмайсиз.

Менинг насихатларимдан сўнг келинчақ ўзгача иштиёқ билан чиқиб кетди. Уни шундай қолдиришга кўнгли бўлмади ва қайнона билан ҳам учрашиб, гаплашдим. Ўзига яраша гурурли, маҳалласида обрўли аёл бўлганлиги сабабли гапларимни дарҳол тушунди.

— Гапларингиз тўғри, — деди таъ оғир. — Баъзан ўзим ҳам ошириб юбораман. Келишим ёмон эмас. Янаям яхши бўлсин дейман-да.

Шу тариха яна бир кўнгилсизликнинг олди олинди, яна бир оиладаги можаро бартараф этилди. Жорий йилга Обод турмуш йили дея ном берилганлиги муносабати билан туманимиз хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, шифокорлар билан биргаликда жойларда кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бораемиз. Ва шу нарсасига амин бўлаймизки, оилавий можароларнинг ҳал этилишида муросасозликнинг аҳамияти катта. Қайнона келинига бўлган муносабатда меъерни унутмасан, уни ўз боласидай қабул қилсан, ўзи ҳам бир вақтлар келин бўлганлигини унутмасан, ўзини ҳам назорат қилиб турсан, келин янги тушган хонадонидан беэи, ота уйига кетишга ҳаракат қилмайди. Шунингдек, келинлар ҳам қайнонасини она ўрнида кўрсалар, қайнонанинг ҳар бир танбехи ортида яхшилик ётганлигини ҳис қилсалар, бу танбехлар оғир ботмайди. Оилалар обод, турмуш эса фаровон бўлади.

Мунаввар САЙДАЛАМОВА,  
Оққўрғон туман ФХДЭ бўлими мудир

### ● Реклама ва эълонлар

"BV Trade service" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси

№	Объект номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
2013 йил 19 феврал куни сотилган улушлар				
1	«Бухороматлүботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Когонматлүботсавдо» тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши	Бухоро вилояти, Когон тумани, М.Торобий кўчаси, 68-уй.	64 790 525	68 700 000
2	«Бухороматлүботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Қорақўлматлүботсавдо» тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши	Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Улўбек кўчаси, 67-уй.	99 484 374	105 500 000

"Аукцион ташкилотчиси" – "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.  
Манзили: Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru  
Гувоҳнома № 0000097

Хизматлар лицензияланган.

## Табрик.бай.уз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Равон ПАТ ходими Усуфжон ДОДОБЕГОВНИ 55 ёши, Кува ПАТ ходими Таваккалжон ҲОТАМКУЛОВНИ 50 ёши билан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси филиал ва Фаргона ШТБ ходимлари Якубжон МАМАТОВ ҳамда Ойдинахон ҲОШИМОВАЛАРИНИ 50 ёши билан чин қоракдан табриклайди, уларга соғ-омонлик, фарзандлари қамолини кўришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали 225-ЭАТС электромонте́ри Шомурат ЖУМАНОВНИ 55 ёши ҳамда оператор Назим ТОҚМАМБЕТОВАНИ 50 ёши билан самимий табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлари бахтини кўришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали жамоаси филиалнинг оптик толали алоқа тармоқлари ва бириктирувчи тармоқлар бўлими бошлиғи Собиржон УМАРОВНИ кутлуғ 60 ёши билан самимий муборакбод этади.

**Хасби хол:**

Равшан АСКАРОВ 1944 йилнинг 21 октябрида Паркент туманида, ўқитувчи Ақбар ака ҳамда Ойношпа оналар ҳовадонида таваллуд топди. 1968 йили Тошкент электротехника алоқа институтини юқори баҳолар билан тамомлади. Икки йил армия сафларида йиғитлик бурчини ўтагач, Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги Лойиха-конструкторлик бюросида муҳандис бўлиб иш бошлади ва мазкур бюро директорлиги вазифасигача бўлган сармехнат йўлини босиб ўтди. Сўنгра "Узгипросвяз", "Узвизстройтрест" да, Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигида фаоллият юритди. 2001-2009 йилларда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини бошқарди. Айни пайтда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамғармаси директори.



# ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИДАГИ ЁЛФИЗ МУҲАНДИС

— Равшан Ақбарович, алоқачилик касбини танлашнигизга ким сабабчи бўлган?  
— Бу касбга ўзим қизиқиб қолганман. Болалигимда радиоприёмникни қисмларга ажратиб, қайтадан йиғиш, ўйинчоқ машиналарни бузиб, қайта тузатиш сеvimли машғулотим эди. Оиламиздаги фарзандларнинг деярли ҳаммаси шифокор. Образли қилиб айтганда, бир гуруҳ шифокорлар ичида ёлғиз муҳандисман.

— Алоқа тарихи музейи раҳбари сифатида айтиш-чи, музейларга қайси жиҳатларига қараб баҳо берилади?  
— Саришталик ва шиномлик, экспонатларнинг қўплиги ва сифатлилиги, уларнинг ташириш буюрувчилар учун қай даражада қулай жойлаштирилиши, янги экспонатлар билан тўлдириб борилиши музейнинг мавқеини белгиловчи асосий омиллардир. Яқинда музейимизга Республика Маданият ва спорт ишлари вазири бошчилигида пойтахтдаги мавжуд музейларнинг раҳбарлари ташириш буюриши ва қисқа фурсат ичида эришган натижамазни кўриб, хайратланишди. Ҳақиқатан ҳам Алоқа тарихи музейи қисқа вақт ичида халқимизнинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Бу соҳамиз раҳбарларининг музейимизга бўлган эътибори самарасидир.

— Қирқ беш йилдан бери соҳада турли лавозимларда меҳнат қиласиз. Икки даврини кўрган мутахассис сифатида айтиш-чи, мустақиллик халқимизга, шу жумладан, сизга нима берди?  
— Умрини алоқачиликка бағишлаган инсон сифатида тўла ишонч билан айтишим мумкинки, соҳадаги ривожланиш ва янгилаштиришнинг ҳаммаси истиқлол йилларида рўй берди. Чет мамлакатлардан катта маблағ эвазига энг замонавий техника ва технологиялар сотиб олинди ва ишга туширилди. Мутахассисларимиз қўллаб

мамлакатларда бўлишиб, иш ўрганиши ва ўрганганларини амалиётга татбиқ этга бошлашди. Натижада сифатли алоқа йўлга қўйилди, алоқа соҳаси бўйича ривожланган мамлакатлар каторига чиқиб олдик. Соғлом рақобат туфайли мамлакатимизда алоқа хизмати бошқа мамлакатларга қараганда анча арзон.

— Ўндан ортиқ ҳорижий мамлакатларда бўлибсиз. Хорижда юрт соғинчи қандай кечади?  
— Узоғи билан уч кунга чидайман. Кейин шароит қанчалар яхши, борган мамлакатим қанчалар гўзал ва мафтункор бўлмасин, юртимга кеттим келаверади. Биласизми, бизникидай самимий, меҳр-оқибатли одамлар кам бу дунёда.

— Танқидга муносабатингиз.  
— Танқид асосли бўлса, тўғри қабул қиламан. Бошқаларни танқид қилишдан олдин инсон ўзини танбех бераётган одами билан солиштириб кўриши керак. Ўша танқид қилаётган ишни бартараф қилиш учун ўз таклифи ҳам бўлиши керак.

— Овлангиз ҳақида ҳам гашириб берсангиз.  
— Рафиқам Шохистахон умрини педагогликка бағишлаган аёл. У бутун умр Тошкент автомобил-йўллар институтида талабаларга дарс берди. Қизимиз Шахноза шифокор. Катта ўғлимиз Улуғбек талбиркорлик билан шуғулланади, кенжамиз Ойбек алоқачи. Олти нафар набираимиз бор.

— Ота ва бобо сифатида фарзанд

тарбиясида энг муҳим нарса нима деб ўйлайсиз?

— Куш уясида кўрганини қилади, деган мақол бежиз пайдо бўлмаганлигини ота-оналар унутмасликларини истарэдим. Зеро, бола учун аввало ота-она ҳар томонлама намуна бўлмоғи лозим. Умуман олганда, фарзанд кўришни ниёт қилган ёшлар аввало фарзандини соғлом, ҳар томонлама баркамол ўстириш учун керакли шароитни хали боласи дунёга келмасидан олдин яратмоғи, зиммасига юклатилажак масъулият ҳиссини тўла хис қилмоғи шарт. Кейингина фарзанд ҳақида ўйласа бўлади. Бундай оилда дунёга келган бола ҳар жиҳатдан эътиборда бўлади, яхши тарбия топади.

— Бундан ўн йил кейинги ривожланишлар ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмисиз?

— Ҳозир кимни кўрманг, албатта, мобил телефонига эга. Халқаро алоқа, интернет борасида бировдан кам эмасиз. Демокриманки, биз алоқа воситалари сони жиҳатидан олдинга чиқиб олдик. Менинг фикримча, келгуси ўн йил ичида сифатга ҳам катта аҳамият берилади ва бу борада ҳам илғор мамлакатлар даражасига чиқиб оламиз.

— "Хавар" ўқувчиларига тилақларингиз.

— Алоқачиларимиз "Хавар"ни ҳамма вақт қизиқиб, сеvim ўқишсин ва газета уларнинг доимий ҳамроҳига айлансин.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
суҳбатлашди

**ҲАМКАСБИГИЗ ТАВСИЯСИ**

## КУРКА ГҶШТИДАН РУЛЕТ

**Зарур масаллиқлар (тўрт киши учун):**  
Ярим килограмм курка гўшти, 200 гр. ёғсиз пишлоқ, 100 гр. маргарин, биттадан сариқ ва қизил булғор калампири, туз ва мурч.



**Тайёрланиши:**

1. Курка гўштини тенг тўрт бўлакка бўлинг. Кейин яхшилаб уриб, туз, мурч сеvim.
2. Булғор калампирларини тозалаб, сомонча шаклида тўзранг.
3. Урилган гўшт орасига тўзралган пишлоқ, булғор калампир солиб, ўранг ва ип билан боғланг. Сариеғни эритиб, устидан қуйинг ва 180 даражада қиздирилган газ печига 40 дақиқага қўйинг. Пишган куркани ўрамани дастурхонга тортишдан олдин қўқатлар билан безаш эсингиздан чиқмасин.

## ДАВОСИ ОДДИЙ

Аёлларимиз кўпинча кўз остининг қорайиши ва шишиб қолишдан азият чекишади. Мен бу ҳолатдан қутулишнинг оддий давосини билманг ва уни сиз, азиз ҳамкасбларимга ҳам тавсия этаман.

Ковокларингиз соғлом тус олиши учун икки ўрам арпабодиеъ (фенхел)ли чой дамлаб, халтачаларини сиқиб олинг ва қўзларингизга ўн дақиқадан қўйинг. Чой ўрнига бодрий паррақларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Фароғат ТОЛЕВА,  
"ЭМММ" ДУК  
ҳодими

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Абдусайд КўЧИМОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хавар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигида тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Дизайнер: Аслиддин БўРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>

<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаининг жума кунини чиқарилади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-252 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 17881 нусха.</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчада 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>